

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**«УМУМТЕХНИКА ФАНЛАРИ ВА КАСБ
ТАЪЛИМИ» КАФЕДРАСИ**

М.ОТАҚЎЗИЕВА

5142000 – Меҳнат таълими йўналиши
бакалаврлари учун.

**«Хунармандчилик» фанидан
маърузалар матни**

Наманган-2005 йил.

Аннотация:

Маърузалар матни давлат таълим стандарти дастурига асосланиб ёзилган бўлиб, халқ хунармандчилиги, ривожланиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тузувчи: «Умумтехника фанлари ва касб-таълими» кафедраси катта ўқитувчи М.Отақўзиева

Тақризчилар: «Тасвирий санъат» кафедраси мудири, доцент А.Амонуллаев
«Тасвирий санъат» кафедраси катта ўқитувчиси Х.Солиев

Маърузалар матни НамДУ илмий-услубий кенгаши томонидан тасдиқланган.

Баённома № ____, ____ 2004 йил.

©Наманган давлат университети.

1-маъруза

Мавзу: Кириш. Халқ ҳунармандчилиги турлари ва тарихи.

Режа:

1. Амалий безак санъати ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Халқ ҳунармандчилиги турлари ва ривожланиши тарихи.

Амалий – бадий безак санъати – санъатнинг театр, кино, музика, тасвирий санъат турлари қатори мустақил аҳамият касб этади. У ўз номига кўра амалиётда, яъни турмушда қўлланиладиган безак санъати маъносини англатади. Амалий – бадий безак санъати турли хил буюмлар, кўчалар, майдонлар, ўқув-табиявий муассасалар, моддий иншоотларни безатиш билан боғлиқ. Шунингдек, у кийим-кечаклар, заргарлик буюмлари безагини ҳам ўз ичига олади. Амалий безак санъати кишилар турмушида шунчалик кенг қўлланиладики, усиз турмушни тасаввур этиш қийин.

Амалий – бадий безак санъати идиш-товоқлар, кийим-кечаклар, газмоллар безаги ва бошқа турли безакларда қўлланилади. Амалий-безак санъати ниҳоятда қадимий бўлиб, у кишиларнинг меҳнат фаолиятлари ва эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган деб тахмин қилинади.

Уйғониш давригача у уй ҳунари шаклида, кейин халқ-бадий ҳунармандчилиги тариқасида шаклланди. Аста секин халқ ҳунармандчилиги буюмлари орасида юксак бадий савияда ишланганлари ҳам пайдо бўлди.

Турмушда фойдаланиш учун тайёрланадиган буюмлар ҳаммасини амалий санъатга киради деб бўлмайди. Турмуш учун мўлжалланган кийим-кечак, идиш-товоқ амалий санъат буюмига айланиши учун уларга маълум талаблар қўйилади. Яъни улар бадий савияда бажарилиши лозим. Бунда уларнинг тузилиши, шакли, кампозицияси, ранглари, материали назарда тутилади. Бу талабларга жавоб бермаган тақдирда, улар ҳунармандчилик буюми қаторидан ўрин олади. Тикув машиналари ёрдамида тайёрланадиган буюмлар, амалий санъат намуналари бўла олмайди. Чунки улар юқоридаги талабга жавоб бера олмайди.

Амалий безак санъатнинг асосий мақсади кишилар яшайдиган муҳитни ва ўзини ўраб (турган муҳитни) олган буюмларни чиройли қилишдан иборат.

Амалий безак санъатида шакл муҳим аҳамият касб этади. Амалий-безак санъатини рангсиз тасаввур этиш қийин.

Амалий санъат буюмлари уларнинг вазифаси, безаги, материали, ранг ўлчовларига риоя қилишни талаб этади. Шундагина буюмлар кишиларни хаяжонлантиради, тўлқинлантиради ва уларга завқ бағишлайди.

Ҳозирда амалий-безак санъати икки йўналишда ривожланмоқда.

1. Бадий ҳунармандчилик.

Бухородаги зардўзлик буюмлари, Хивадаги гиламдўзлик, Риштондаги сополсозлик корхоналари.

2. Халқ амалий безак санъати.

Мустақил равишда иш олиб бораётган усталар чиқарган маҳсулотлар.

Халқ амалий санъати жуда қадим замонда пайдо бўлиб, халқ хунармандчилиги тарзида ривожланиб санъатнинг энг қадимги ривожланган ва барҳаёт тури бўлиб келган.

Амалий безак санъат буюмлари, бирмунча эркин ижодкор тафаккури маҳсули сифатида яратилади ва у теварак атрофга файз киритишга қаратилган бўлади.

Яқин ўтмишда ўзбек амалий безак санъатининг энг ривожланган ганчкорлик, наққошлик, ёғоч, тош ва суяк ўймакорлиги, пичоқчилик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, гиламчилик, кигизчилик, саватчилик, бўйрачилик каби турларни ўзига хос бажариш технологиялари ҳақиқий миллий номлари, уларга хос атамалар, ном қозонган усталар йўқолиб кетиши ҳавфи остида қолган эди.

Ганчкорлик қадимий санъат турларидан бири Ўрта Осиёда яратилган асарлар ўзига хос бадиийлиги композицияси ва ишланиш услуби билан фарқ қилади. У Самарқанд Бухоро, Тошкент, Қўқон, Марғилон, Хива, Шахрисабз ва бошқа шаҳарлардаги тарихий обидаларни қуриш ва безатишда ишлатилган.

III асрда қалъанинг серхашам сарой меҳмонхоналари ўйма ганч билан безатилган Варахша шаҳарчасида жуда катта аҳамиятга эга бўлган ва эрамиздан аввалги III-IV асрларда ишланган ганч ўймакорлиги намунаси топилган. Варахшадаги топилмалардан VII-VIII асрлардаги Бухоро саройи қолдиқларидан намуналар топилган. Ганч ўймакорлиги турлари мавжуд йирик, чуқур, ясси, қирма, замини, кўзгули, замини рангли, чизма пардаз, панжарасимон, занжира, хажмли ўйма. Ганж ўймакорлари Тошкентда Усмон Икромов Уста Тошпўлат Арслонқулов, Маҳмуд Усмонов, Ҳаёт Абдуллаев, Зиёдулла Юсупов, Тохир Умаров. Ганч ўймакорлигида ишлатиладиган материал ганч, гипс, ширач (клей).

Ўрта Осиё наққошлик санъати қадимдан дунёга машҳур. Ўрта Осиё территориясида археологик қазилмалардан Хоразм, Сугд, Бактрия ва бошқа вилоятларда нақш санъатининг ривожланганлиги маълум.

XI-XII асрларда Ўзбекистон ҳудудидаги археологик топилмалар шуни кўрсатадики, нақшлар ичида геометрик нақш кўп ишлатилган. Ҳар бир вилоятнинг ўз мактаби бўлган.

Нақшни ўз атамалари мавжуд.

Гул-нақш сўзи ўрнида ишлатилади.

Морнер – (морилон, неч-ўралган) илан изм.

Рута – русча хошия нақш.

Жисми дураббар – икки йўналишли химоя нақш

Намоён форсча – кўриниш.

Нақшлиқда қалам, линейка, ўчирғич, бўёқлар ишлатилади.

Қоғозга нақш солишни ўрганиш учун даставвал тўғри, эгри, тик, айлана чизиқларни чамалаб бўлишдан бошланади. Чизиш вақтида симметрия, асимметрия ва бошқаларга эътибор берилади.

Ёғоч ўймакорлиги санъати кенг тарқалган. Бунда буюмларга чизиб, кесиб, ўйиб ишланади. V-VI асрларда ёғоч ўймакорлиги намуналари Сурхондарё воҳасидаги Юмалоқ тепа тубидан топилган. VII асрнинг охиригача маҳаллий ёғоч ўймакорлик жуда тез суръатлар билан ривожланган эди. Ёғоч ўймакорлиги билан эшиклар, бинолар, устун, равоқ ҳар хил хонтахталар безатилган. Ёғоч ўймакорлигида ота-боболаримиз қадимдан ҳар хил ёғочлардан турли мақсадда фойдаланиб келганлар. Ёғоч хусусиятлари синчиклаб ўрганилиб, кейин ёғочга ўйиб нақш ишланган. Ёғоч ўймакорлигида турли асбоблар ишлатилиб улар ўзига хос ишларни бажаради.

Ёғоч ўймакорлигида асбоблар икки турга бўлинади «ўйма қаламлар» ва «нақш қаламлар» асбоблар шакли ва бажарадиган ишга қараб ускуналарнинг бир қанча хилларга бўлинади чизғич, циркуль, учбурчаклар, трансформатор.

Нақш ўймакорлиги I-III асрларда ўзбекистоннинг жанубий биноларни устунлари ҳамда пойдеворларини безашда харсангтош, мрамартош ва охактошдан фойдаланганлар. XV асрда Ўрта Осиёда айниқса тоштарошлик ривожланди ва такомиллашди.

Амир Темур, Ахмад яссавий мақбараси, Бибиҳоним мачити ва бошқалар жозибador қилиб безатилди. Самарқандлик сангтош уста Жалол Жўраев машҳур меъмор Абдурайим Обидов тош ўймакорлик сирларини арганган. Тош ўймакорлигида – асосий материал тошмармар, гипстош.

Асбоблар болға, зубила, искана, арра, пичоқ, парма.

Суяк ўймакорлиги Хиндистон, Ёқутистон, Африка, Хитой шарқ мамлакатларида ривожланган суяк ўймакорлиги Ўзбекистонга 1959 йил кириб келган. Суяк ўймакорлигида парма, арра, эговҳамда ўзига хос мукаммал механик асбоблар ишлатилади.

Кандакорлик – металдан ясалган бадий буюмларга ўйиб ёки бўрттик қилиб нақш ишлаш.

Археологик топилмалардан II-III асрларда ривожланганлиги аниқланган. Мис идишларнинг яшашнинг техник усули мавжуд.

Кулолчилик қора лойдан мўжизакор гўзаллик яратган. VIII-XII асрларда кулолчилик Ўрта Осиёда янши ривожланган. Кулолчиликда лой, чарх ишлатилади.

Пичоқчилик санъатида пичоқ ясалади. VI-XII асрларда пичоқ яш ривожланиб уни безаш технологиялари ўзгарган.

Республикамизда йигирмага яқин пичоқчилик марказлари бор.

Пичоқ тиг, даста, қиндан иборат. Пичоқчиликда ўчоқ, дам, сандан, эгов, болға, ишлатилади.

Ўзбек заргарлиги жуда қадимий тарихга эга. Унга ибтидоий жамоа тузуми даврида асос солинган.

Эрамизгача бўлган I асрдан бошлаб ривожланган. XIX аср охири XX аср бошларида Ўрта Осиё хонликлари ўртасида бадий хунармандчилик ривожланди.

Каштачилик – жуда қадимий хунар. У чет элларда ҳам шуҳрат қозонган.

Зардўзлик – зар (тилла) дўзи (тикмоқ) форсча сўзидан олинган.

Зардўзлик XV-XVII асрларда эрон подшолиги саройида ривожланган.

Зардўзликда 30 хил классик тикиш усули мавжуд. Зардўзлик – гулдуза ва заминдўзи турлари бўлади.

VI асрда Ўзбекистонда гилам тўқиш санъати ривожланганлиги аниқланган.

Кигиз босиш, саватчилик ҳам қадимий хунар турларидандир.

Назорат учун саволлар.

1. Амалий безак санъатининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
2. Халқ хунармандчилиги турларини айтиб беринг?
3. Уста-шогирд деганда нимани тушунасиш?

Таянч иборалар.

1. Амалий безак санъати.
2. Халқ амалий безак санъат турлари.
3. Халқ амалий санъати йўналиши.

2-Маъруза

Мавзу: Наққошлик санъати тарихи.

Режа:

1. Ўрта Осиёда наққошлик санъати.
2. Ўрта Осиё тасвирий санъатига ислом динининг таъсири.
3. Наққошлик санъатининг ривожланиши.

Ўрта Осиёда наққошлик санъати.

Ўрта Осиё наққошлик санъари қадимдан дунёга машҳур. Ўтмишда Ота-боболаримиз қурган мухташам бинолар ҳозирги кунгача мафтункор жилвасини йўқотмаган. Юксак дид билан ишланган нақшлар бизни ҳайратга солиб келмоқда.

Миллий нақшларимиз ғоятда бой мазмунга эга. Оддий қошиқ, лаган, қутича, сондиқ, беланчак, чолғу асбоблари, уй рўзғор буюмлардан тортиб турар жой ва жамоат биноларининг девор ҳамда шифтларга солинган инсонни ҳайратга солади, уни ўйлантиради.

Бу гўзал нақшлар ажойиб нақшлар томонидан яратилган бўлиб, асирлар давомида бунёт топди, ривожланди, меъморчилик

ҳамда тасвирий санъат ривожини билан боғланган ҳолда такомиллашиб борди.

Нақш- арабча тасвири гул деган манъони англатади. Қуш, хайвон, ўсимлик, геометрик ва бошқа элементларни маълум тартибда такрорланишдан ҳосил

қилинган безакдир. Ганчкорлик, кандакорлик, кашта дўзликда, зардўзлик, кулолчилик, заргарлик, гилам тўқиш, тўқимачилик ва ҳоказоларда ҳар хил йўллар билан ишланади. Мисол: ўйиб чизиб, чок ёрдамида, зарб билан қадаб ва бошқа усулларда нақш солинади.

Наққошлик санъати инсоният маданияти билан бир қаторда қадиймийдир. Ҳар хил археологик қазилмалар шуни кўрсатадики наққошлик жаҳондаги барча халқларда қадимдан мавжуд эканлиги бизга маълум бўлди.

Наққошлик ҳар бир давлатнинг ўзига хос муҳитига: географик ўрнига, ўлканинг умумлик дунёсига кўра ривож топди. М: Арман ва Грузинларда узум ва узум барги, шимол халқларида арча ва ҳар хил хайвонлар, қирғиз ва қозоқларда мол шохи, тожиклар ва ўзбек халқининг нақшларига қарасак анор, бодом, гуллар, қалампир ва бошқаларни рамзий нақш тариқасида ишлатилганлигини кўрамыз.

Ўзбекистон территориясидаги археологик қазилмаларидан Хоразм, Сўғд, Бактрия ва бошқа вилоятлардан нақш санъатининг ривожланганлиги маълум.

VI-VII асрларда ибодатхоналар, қасрлар ва бойларнинг уйлари ўйма нақшлар ҳамда тасвирлар билан безатилган. Тантанали маросимларга мўнжаланган хоналардаги дабдабалий ажойиб нақш, расмларни кўриб киши ҳайрон бўлади. Улардан бирини қарасангиз деворларда базми жамшид, ов расмлар уриши, манзаралар ҳамда диний расмлар тасвирланган.

Жонли махлуқлар қизил ва кўк ранглар билан бўйяб тасвирланган.

VII асрнинг охири VIII асрнинг бошларида Ўрта Осиёни Араблар босиб олиши натижасида қарор топган ислом дини ўзидан олдинги маданиятнинг илдизга болта урди.

Янги дин ҳамда янги ғоя Ўрта Осиё Тасвирий санъатига таъсирини ўтказади. Жонли мавжудотларни акс этирилиши ман этилди. Кейинчалик юзага келган диний шаҳарлар ва ҳодисалар кўпроқ муросасиз йўл тута бориб, қатъий равиш шундай дер эди.

«Тангри ёки одамзот» суръатини дарахтлар, гуллар ва жонсиз мавжудотларни суръатини солинг, акс ҳолда бу нарсани бузган одам гуноҳи азим бўлади деб қўрқитганлар.

Жонлий мавжудотлар суръатини чизиш ман этилишини маъноси шундаки, худодан бошқа ҳеч ким бирор нарса яратишни у ёқда турсин ҳатто худо яратган нарсани қайта гавдалаштиришни ҳам мулкани эмас ва бу унинг қўлидан келмайди, акс ҳолда мусавир худо билан бас байлашиб, унинг иродасига шак келтирган бўлади.

Ислом талабларига бўйсуниб оқибатида жониворлар, парандалар ва одамларни тасвирлаш йўқолиб бориб наққошлик ривож топди.

Араб ёзуви ўзлаштирилди. Натижада нақшлар билан унвонли ёзув услуби пайдо бўлди. Хуллас тасвирий санъат ривожланади.

Ўрта Осиёда наққошлик санъати авж олиб ривожланди. Архитектурада гишт қалаб нақш солиш юксак даражада ривожланди, биноларнинг ички томонига ганч ёғоч ўймакорлигининг қўллаш юксак ривож топди. Айниқса мақбараларнинг пештоқлари девор ва равоқлар ганч-нақшлар билан жуда нафис безатилди. Нақшлар мураккаблашиб борди.

Умарнинг янги нусхаларида нақш рамз, тасвирлар, тимсол дуо-афсунлар, тасбих ва бошқалар нақадар мўллигини кўрамиз. Рамзий нақшлар дунёда содир бўлаётган воқеалар, тилакларни акс эттирган. Ҳар нақшда ўзига ҳос маъно бўлган.

Мусаввирнинг тасвирлари бу унинг она табиатга бўлган мухаббатини билдиради. Унинг ранглари ўзига ҳос маъно ва характерга эга. Нақш ўзбек маданиятининг ҳамма босқичларида ҳамроҳ бўлиб келган. Энг оддий принциплари бир-бирига муносиблик, уйғунлик,йўсин ва усулларини ажойиб, қайта-қайта такрорлашувидир. Халқ наққошлари нақшларнинг ҳар деталига алоҳида эътибор бериб, унинг табиийлигини йўқотмаган, ҳар бир элемент устида пухта фикр юритганлар. Ҳар бир нақш негизида маълум рамзий маъно сингдирилган. XI-XII асрларда Ўзбекистон ҳудудида археологик топилмалар шуни кўрсатадики, нақшлар ичида геометрик нақш кўп ишлатилган.

Халқ ривоятларига кўра, меъмор бу минорани қурган-у, кўздан ғойиб бўлган. Иморат яхши чўкиб, ўрнашиб терилган яхлит тошга айлангандан кейин меъмор пайдо бўлиб пардоз ишларини бошлаган.

Халқ ривоятларига кўра XIII асрда Чингизхон ҳукмронлигида миллий санъат бир мунча издан чиққан бўлсада лекин буткул йўқ қилинмади. Темур ва темурийлар даврида эса ўзбек миллий халқ амалий санъати юксак даражада ривожланди.

Темурийлар хонлигида ҳунармандчилик юксак даражада ривожланди. У босиб олган (ерда) ерлардаги ҳамма усталарни Самарқандга йиғди.

XIV-XV асрларда кошинкорлик ривожланди. Қурилган бинолар кошин ва парчинлар билан безатиш авж олди. Кошин ва парчинлардан ажойиб нақшлар ҳосил қилишга эришилди. Чунончи, Оқ сарой Тўрабекхони мақбараси ва бошқалар.

Кундал-архитектурада деворга бўртиб ишланган безак техникаси. Меъморчиликда кенг тарқалган. Мўйқалам билан деворга суртилган қизил кесак бўртма шакл олади,устидан бўёқ ва(заҳарли) зарҳал берилади. Зомин зарҳалга, асосий бўртма нақш элементлари турли-туман рангларга бўялади. XV асрдан бошлаб Самарқанддаги Ашратхона мақбараси баланд масчитда жозибадор намуналар сақланган.

Ўрта ерда кундалик техникасидаги безаклар кенг тарқалган.

XVI-XVII асрга келиб сюжетли расмлар деярли чизилмай, балки кунда устида нақшлар билан безаш ривож топди.

Ўрта Осиёдаги наққошлик санъатининг ривожланиш тарихи босиб ўтган йўллари ҳозирда бизгача сақланиб қолган турлари нақшнинг луғавий маъноси, Ислом динининг санъатга, яъни тасвирий санъатга қўйган талабларини кўзда тутилган. Натижада Ўрта Осиё наққошлигига, тасвирий санъатга таъсир кўрсатган. Наққошлик санъатида кўрсатилган ҳар бир мамлакатнинг нақшида ўзига хос хусусиятлари, безаклари ва урф-одатига хос нақшлари мавжуд эди. Шу мавзудан олган тушунчани наққошликнинг ўзига хос усулда дунёда, Ўрта Осиёда кенг тарқалганлигини гувоҳи бўламиз.

Ўзбекистон наққошлик санъатини ривожланишини.

Ўзбек халқининг қаровсиз ёт маданий дурдоналари, тарихий ёдгорликларини сақлаш ва маданий меросини тўплашни давлатимиз, ўз зиммасига олди. Маданий ёдгорликларини сақлаш жамияти тузилди.

Нақш усталари ҳам бошқа усталар қатори масжид, мадраса турар жойларни, саройларни таъмирлашни бошлаб юбордилар.

Ўттиз йиллардан сўнг кўпгина жамоат уйлари, чойхоналар, маданият бадий меросини илхомланиб ажойиб деворий расмлар яратдилар.

Ўзбек халқи 2000 йил давомида халқ амалий санъатини шундай амалий наъмуналарини яратдики барчани лол қолдириб келмоқда.

Наққошлар ўзларини юксак бадий маҳоратини ва назокати билан уйлари ва ганч билан безатила бошланди.

1939 йилда Самарқанд ва Бухорони энг яхши усталаридан 12 киши Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи биносини ажойиб нақшлар билан безатдилар.

40-йилларда қурилган Муқумий, Навоий театрлари бинолари ажойиб нақш, ганч ва ёғоч ўймакорликлари билан безатилди.

Наққошлик санъатини безатишда ажойиб халқ усталари Фарғоналик Саидмахмуд Норқўзиев, Тошкентлик Тохир Тўхтаҳўжаев, Олимжон Қосимжанов, Ёқубжон Рауфов, Жалил Хакимов, Хивалик Абдулла Болтаев, С.Худайберганов, Х.Рахимов, Самарқандлик Жалол ва Болта Жалиловлар, Уста Мухаммаджон Юсуповлар ва бошқалар ҳамда шогирдлари яратган асарлар ҳозир ҳам халққа хизмат қиляптилар.

Улар ўзбек нақшларини элементиға янгича элементлар (ўроқ, болта, кабгур, пахта, юлдуз ва янгича) ғоялар киритдилар. Улар замонавий биноларға мослаб ўзбек мажнунтол ниҳоллари, анор бутоғи, гулли бутоғи ва бошқа ўсимликларни тасвирлайдилар. Наққошлар ўзларининг юксак бадий маҳорати ва назокати билан бугунги кунда ҳам кишиларни хайратға солади.

Хива, Қўқон, Бухоро хонликлари даврида халқ амалий санъати усталари шу шаҳарларга йиғила бошладилар.

Кўпинча Фарғона ва Бухоро наққошлари Самарқандга, Қўқон, Марғилон усталари, Тошкентга келиб кўпгина биноларни безатдилар. У эса наққошлик Самарқандга, Қўқон, Марғилон усталари, Тошкентга келиб кўпгина биноларни безатдилар. У эса наққошлик мактабини янада ривожланишига ўзига хос композициялар яратишга, ранглар мажмуасини янада бойитишга жуда катта роль ўйнайди. Лекин бу нақшлар бир бирига ўхшасада, ҳар бир шаҳар ва ҳар бир устани ўзига хос ранг мажмуаси, колорити, услуби, композицияси жихатидан фарқ қилади.

Агар биз XX асрда яратилган нақшларни кузатсак, ҳар бирини ўзига хос наққошлик мактаблари яратилганини кўрамиз.

Тошкент наққошлик мактаби.

Тошкент нақшлари ўзининг нафислиги ва рангларнинг бир-бирига аста-секин ўтиши аниқ бир калоритга қатъий риоя қилиниши геометрик ва ўсимликсимон нақшларнинг кўп ишлатилиши билан ажралиб туради. Нақшлар кўпинча яшил гаммада ишланади. Ўсимликсимон нақшлардан ойгул, пахта бофта, уч барг, шукуфта баргли гул ва бошқа элементлар аниқ етиштирилган. Мураккаб геометрик нақшлар ишланади. Наққош усталардан Жалил Ҳакимов, Тоир Тўхтажўжаев, Олимжон Қосимжонов, Ёқубжон Рауфов, Анвар Илҳомов, Комил Каримов ва бошқалар Тошкент наққошлик мактабининг асосчиларидир.

Ёқубжон Рауфов 1888 йил 22 январда Ўртатепа шаҳрида наққош устазода оиласида дунёга келди. Ёқубжон туғилган Ўртатепа шаҳри ёғочга нақш ишлаш санъати бўйича машҳур эди. Унинг отасини Рауф калон деб аташарди. Рауф калон истеъдодли доимо янгидан янги нақшлар кашф этувчи шифтларга ва деворларга ўнғайлик билан гуллар солувчи ҳамда устун ва курсиларни мураккаб жимжимадор нақшлар билан безовчи катта санъаткор бўлган. Шунинг учун ҳам устасини ҳурмат қилиб Рауф калон деб лақаб қўйганлар. Рауф калонлар сулоласи асосан меъморчилик иншоотларига миллий анъанавий нақшлар бериш билан машҳур бўлиб келганлар. Ёқубжон устози Рауф Назаровнинг талантини меърос қилиб олди. Ёқубжон отасидан наслдан-наслга ўтиб келаётган наққошлик техникасини мукаммал ўзлаштирди. У отаси бошчилигида Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларини чунончи Наманган, Марғилон, Андижон, Ленинобод, Каттақўрғон, Самарқанд, Тошкент ва шу сингари шаҳарлардаги жамоат биноларини беади. У аввал отасига шогирд, кейинчалик ёрдамчи бўлиб ишлаб юрди. 18 ёшидан бошлаб наққош уста сифатида безак ишларида мустақил қатнашди. У ёшлик чоғларида жуда кўп мутолаа қилди ҳамда араб ёзувини ўрганиб олди. Тинимсиз изланишлар натижасида нақш сирларини ўргана борди. Ёқубжон шаҳарма шаҳар юриб турли масҷид, меҳмонхона, уй ва айвонларнинг шифти, пештоқи ва устунларини нақшлар

билан беади. У биринчи бўлиб Фарғона водийсидаги биноларни мустақил беади. Уни номи тез орада кўпчиликка танилди. Ёқубжон Рауфовнинг турли шаҳарларда таклиф қилишадиган бўлди.

Уста музейларни, турар жой, жамоат биноларни маданият уйларга сайқал берди. У архитектура ёдгорликларидаги нақшларга қайта жон бағишлади. Биринчи вақтларда Тожикистонда кейинчалик эса 1923 йилда Тошкентга кўчиб келган. Ёқубжон Рауфов наққошлик санъатини тўла тўқис эгаллаган. Наққош номини олган мустақил уста эди. У Тошкент хоналарида ишлаш билан бирга амалда қўлланиладиган уй-рўзгор буюмларига, яъни қутичалар, кўп рахли хонтахта курси, қаламдон стол ва бошқа уй рўзгор буюмларига нақш чизди. Натижада санъаткорнинг бундай санъат асарлари ҳар хил кўргазмаларида намоиш қилинди. Уста наққош санъаткорнинг номи жумҳуриятимизда ҳурмат билан тилга олина бошланди. 1934 йилда Тошкентдаги ишлаб чиқариш расомчилик корхонасига ишга таклиф қилинган, кейинчалик шу даргоҳда наққошлик бўлимида дарс бера бошлади. Бу уқув устахонасида ёшларга ўргатди. Сиркорликда ўзига хос жихатларини эгаллаган истеъдодли шогирдлари ҳозир унинг ишларини муваффиқиятли давом эттирмоқдалар.

Жалил Ҳақимов 1920 йили Тошкентда уста оиласида дунёга келди. У ёшлик чоғларида отаси беаётган патнис, идиш-товоқлар ва бошқа нарсаларга гул солишни соатлаб кузатиб ўтирар эди, уни қандайдир сеҳрли куч ўзига тортар эди. Аста секин ёш Жалилда халқ амалий санъатини турларига, айниқса, наққошликка бўлган ҳаваси янада ошиб борди. У аста секин қоғозларга ҳар хил нақш элементларини чизишни ўрганди, отаси эса унга ёрдам берар эди.

Йиллар ўтиши билан наққош уста бўлиши орзуси туғилди. Ўша вақтда Тошкентда 1934 йили Бадиий ўқув ишлаб чиқариш корхонаси очилди. Бу корхонада ўзбек халқ амалий санъатининг наққошлик, ганчкорлик, кулолчилик ва бошқа турлари бўлажак халқ усталарига ўргатила бошланди. Жалил хали мактабни тугатмаган эди. Ниҳоят 1935 йили мактабни тамомлаб, шу корхонага наққошлик бўлимига ўқишга кирди. Корхонага ўша йилларда жумҳуриятимизда кўзга кўринган халқ усталари Уста Ширин Муродов, Олимжон Қосимжонов, Маҳмуд Усмонов, Тошпўлат Арслонқулов ва бошқалар халқ амалий санъати сирларини ёшларга ўргатишга таклиф қилинган эди. Жалил енг кўзга кўринган катта усталардан бири Олимжон Қосимжонов (1878-1952) қўлида нақш сирларини ўргана бошлади. Бу ёш бўлғувчи уста Жалил учун катта бахт эди. Чунки устоз уларга фақат наққошлик сирларини ўргатиб қолмай, балки таълим-тарбия беришда муҳим роль ўйнади. Кейинчалик устоз Жалилга нозик ва маъсулиятли вазифаларни ҳам иккиланмай топширадиган бўлди. Устози Олимжон Қосимжоновни жуда ҳурмат қилар, унинг чизаётган ёки бўяётган ҳар бир ишини бутун вужуди билан берилиб ўргатар эди. Устоз шогирдини келажакда катта уста бўлишига тўлиқ ишонар эди. 1938 йили Жалил Ҳақимов бадиий корхонани тугатиб, нақш сирларини янада чуқур билиш учун Тошкентдаги кулолчилик

заводига ишга кирди. У ерда кўпгина халқ амалий санъати усталри билан яқиндан танишиб ижодига ижод қўшилди.

Жалил Хакимов мустақил равишда катта-катта жамоат уйларини нақшлар билан безашда қатнашди. Ота-боболаримизни қадимдан яритиб келган нақшларини қайта тиклашда ҳам қатнашди ва уларга қайта жон бахш этди. Бу эса устанинг қадимий асарларни янада чуқур ўрганишга ёрдам берди. У санъат сирини келажак авлодга етказиш мақсадида мактаб қошида наққошлик тўғариги ташкил этиб, ёшларга ўз хунар сирларини ўргатди. Мохир педагог ўқувчиларга халқ амалий санъатига бўлган қизиқишини, хунар ўргатишда, уларнинг ҳаётдаги ва воқеиликдаги бўлган эстетик мунасабатини ҳамда шу санъат асарларини ўз қўллари билан ярата олишга ўргатди. Уста табиатдаги гул, боғу-бўстонларни, ғам-ғуссани, ҳаётдаги гўзалликни нақш орқали гапириш алифбосини ўргатди, нақш элементларини ҳар бирини ўзига хос рамзий мазмунга эга эканлигини, уларни қалимда енгил, эркин, равон ва ҳар бир чизик жонли чиқишини талаб қилди. Рангларни бир-бирга монант олишни ҳаво перспективаларга амал қилишни ёшларга ўқтирди. Ҳар бир нақшни табиий чиқишига чақирди, чунки ҳар бир нақш элементи жонли табиатдан олинганлигини кўрсатиб кетди. Ижодкор тинимсиз меҳнати ва яна меҳнат қилиш кераклигини ўқтирди.

1948 йили Тошкентдаги Н.Островский номли пионерлар саройида наққошликдан тўғараг олиб борди. У ёшлардан ўз тажриба ва билимини аямади.

Назорат учун саволлар.

1. Нима учун Чингизхон ҳукмронлигини миллий санъат бир мунча издан чиқди?
2. Қайси хонликда хунармандчилик юксак даражада ривожланди?
3. XVI-XVII асрларга келиб қандай ўзгаришлар рўй берди?

Таянч иборалар.

1. Ўрта Осиёда наққошлик.
2. Ўрта Осиёда тасвирий санъатга Ислом динини таъсири.
3. Ўзбекистонда наққошлик.
4. Наққошлик мактаби.

3-маъруза

Мавзу: Ганч ўймакорлик санъатининг ривожланиши.

Режа:

1. Қадимги ганчкорлик санъатининг Шарқ мамлакатлари меъморчилигида тутган ўрни.

2. VII-VIII асрлардаги Вароҳмадаги топилмалар.
3. Ўзбекистонда ганч ўймакорлик санъати.
4. Ганч ўймакор усталар.

Ганчкорлик қадимий санъат турларидан бири бўлиб, ўз акси хусн – жамолини дунё меъморчилигида номоён этиб келмоқда. Айниқса Ўрта Осиёда яратилган асарлар ўзига хос бадиийлиги композицияси ва ишланиш услуби билан фарқ қилади.

Ҳозирги кунда ганч серқуёш Ўзбекистонимизда ардоқланиб, авайлаб муҳофаза қилинаётган кўпгина ёдгорлик обидаларига кўркамлик, гўзаллик бахш этиб турибди. Ганч ўймакорлик санъати асирлар давомида ўзига хос услуб билан ривожланиб келди. Бу санъатнинг энг қадимги ўрта асрлардаги ва XX асрда ривожланишни кўздан кечириб, ўрганиб чиқсак бу даврлардаги ганч ўймакорлиги бир-биридан мутлақо фарқ қилади. Қадимги ганч ўймакорлиги ҳам бўлиб, реалистик тасвирлар асосида ишланган. Вараҳмадаги топилмалардан VII-VIII асрлардаги Бухоро саройи қолдиқларидан наъмуналар топилган. Бу топилмаларда қушлар, ҳайвонлар, балиқларни, ўсимликсимон ва геометрик шакллариининг ўйма намуналарини кўриш мумкин. Ўрта Осиёни араблар босиб олгандан кейин ислом дини ҳукмрон бўлиб қолди, у тирик мавжудотни тасвирлашни тақиқлади. Буни Ўрта Осиёдаги архитектура ёдгорликларидан кўриш мумкин. Хусусан VII-VIII асрлардаги ҳукмронликларнинг Вараҳмадаги саройларда бу санъатнинг хилма-хил намуналари сақланган. Ўзбекистонда ганч ўймакорлик санъати ҳам жуда қадимдан ривожланган бўлиб ҳозирги кунда ҳам ўзига хос хусусиятларини йўқотмаган. Ўзбекистонда хунарамандлар бўлими 1918 йилда ташкил этилган бўлиб унинг асосий мақсади хунарамандчилик бўйича изланишлар олиб бориш, иқтисодий статистик малумотларини қайта ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришга тарқатиш, мактабларда ташкил қилиш ўқув устахоналарини тиклаш, музейлар хунарамандлар бирлашмасини ташкил этиш ва бошқалар эди. 1918-1920 йилларда хунарамандлар уюшмаси Тошкентда ўлкашунослик хунарамандларига ўқув намунавий устахоналар ва хунарамандлар бўйича музей ташкил этилди ва ганч ўймакорлар наққошлар, ёғоч ўймакор усталар ажойиб ишлари билан қатнашиб кўпчиликка манзур бўлдилар. Ўзбекистон хунарамандлари ўз ишлари билан 1925 йилда Париждан кейин Лейпцигда, 1927 йилда жаҳон бўйича, 1937 йилда Парижда «Санъат ва техника ҳозирги кунда» деган кўргазмаларда «Гран при», иккита кумуш медаль ва битта олтин медаль билан мукофотландилар. Ўзбекистонлик ганчкор усталар архитектура ёдгорликларини; мураккаб муқарносларни, нозик ганч ўйма ишларини қайта тикладилар. Улар Минораи Калон (XII аср), Магоки Аттор масҷидини, (XII аср), XVII асрда қурилган Шердор, XVII асрда қурилган Абдулазизхон мадрасасини ва шунга ўхшаш архитектура ёдгорликларига қайта ҳаёт бахшида этдилар. Бу мураккаб ишларда жумхуриятимиздаги ганчкор усталар ўз кучи, қуввати ва билимини аямадилар.

Улар Бухоролик ганч ўймакорлар - уста Ширин Муродов, Шоир Ибодов, Абдурахим Хаётов, Самарқандлик Рашид Жалилов, Шамсиддин /офуров, Абдурашид Жалилов, Акрам Умаров ва бўшқа кўпгина камтарин ганч ўймакорлар ўз куч ва ғайратларини аямадилар.

Тошкентда 1947 йилда меъмор А.Мухамадамин бошчилигида Курант биноси қурилди бу қурилмани безашда уста Ширин Муродов қатнашди. У нақш композицияларини юқори бадиийлик билан ўйиб бажарди. Ганч ўймакорлик ишлари бутун бино архитектураларига жуда мос танланган. Курант биносининг шарафа, устунлари, панжаралари ўйма ганч билан безалди. Шарафанинг «Муқарнас» ва «Ироқи» турлари бажарилди. Ҳар бир панжарага алоҳида композиция чизилиб атрофларига мослаб занжир ҳолқия берилди. Ҳозирги кунда ҳам Тошкент куранти шаҳарга алоҳида чирой бағишлаб турибди. 1940 йилда театр биносининг қурилиши бошланиб 7-йилда битказилди. Ўзбек мутафакир шоири Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги атаб худди шу куни мутафаккирнинг номи берилди. Театр биносини замонавий эстетик талабларига асосланиб ўзбек миллий анъаналарини сақлаган ҳолда халқ ҳунарманд-усталари бунёд этдилар. Театрнинг безак ишларига барча шаҳарлардан усталар, наққошлар, рассомлар, ганчкорлар, тоштрошлар ва бошқалар келишди. Безак ишларида Академик Жусаев эскизи билан театрнинг фасоди, (ташқи кўриниш) эшикдан киравериш жойи (фозси) ва томоша қилиш зали (меҳмохонаси)ни Т.Арлонқулов бажарди. Ўзбекистондаги ганчкорлар усталарини бир жойга йиғиб ҳар бир вилоятни ўзига хос миллий услуби асосида безаш, безалган хона театрнинг архитектура бадиий образига мос тушиши кераклигидаги ҳақидаги масалани қўйди.

Бу Хива, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Тошкент залларидир. Булардан Хива ва Термиз заллари қадимда ишлатиладиган ганчкорлик услубида безатилган. Бухоро, Тошкент, Фарғона ва Самарқанд заллари эса замонавий халқ анъанасига мос бўлган ганч ўймакорлиги билан безатилган.

Хива зали. Ганч ўймакорлик ишларини Хивалик усталар С.Худайберганов, К.Полвонов, Б.Бобожонов, Р.Машарипов ва унинг шогирдлари бажарган бўлиб қадимий услубда безатилган. Безаклар асосан медальён шаклида қилиб ўйилиб Хивадаги кошинга ўхшаб кетади. Бу ўйма унча чуқур бўлмай жуда майда ўйилган худди ёғочдан ўйилганга ўхшайди.

Термиз зали. Бу залнинг нақш композитсияларни Уста Ширин Муродов Термиз усулида мўнжаллаб чизган. Ўйма ишларини Уста Ширин Муродов, /. Неъматов ва бошқалар бажарган. XII аср Термиз саройидаги ганч ўймакорлигини эслатади.

Фарғона зали. Ганч ўймакорлиги ва нақш композицияларни Қўқонлик Саит Махмуд Норқўзи бажарган. Ўйма ишларига Жалил Марасулов ва кўпинча Фарғона усталари қатнашган. Фарғона залининг шифти қовурғали қилиб ганч ўймакорлиги кампазициялари билан безатилган. Бу Фарғона водисидаги анъанавий бадиий услубни англатади.

Самарқанд зали. Ганч ўймакорлиги ишлари композицияларини давлат мукофоти лауреети Қ.Жалилов ва бошқалар бажарган. Б зал шарафа композицияларини, геометрик орнаментларини, намоён, рута занжира композицияларининг ажойиб намуналари ишланган. Шифтга геометрик нақш гриф ўйилиб ораларига ўйма исмли нақш композициялари бажарилган.

Бухоро зали. Бу залнинг нақш композицияларини ва ўймаларини Уста Ширин Мурод бажарган. У Бухороча миллий ва замонавий усулни қўллаган.

Унинг ойна заминли ганч ўймакорлиги хонани янада кенг қилиб кўрсатади. Унда ажойиб ва мураккаб шарафалар, қандиллар намоёнлар киши диққатини ўзига тортади. Кекса Уста Ширин Мурод Бухороликларга хос «табақа пардоз» деб аталадиган мураккаб услубни бизгача етказиб келиб Бухоро залида ойнаи жаҳон кўрди. У ажойиб қандил ишлаб уйнинг шифтига қуббали қилиб муқарнас ишлади.

Тошкент зали. Тошкент залига Тошпўлат Арслонқулов композиция чизди. Гулдаста, марафа, намоён, руталар юқори рельефли қилиб бажарилди. Тошпўлат Арслонқулов ўйма нақш солиш техникаси, «муқарнас», «мажнунтол», «чока пардоз», «занжири», «шоҳбарс» каби услубларини амалда қўллаб, тараққий эттирилиши билан бирга «чор бурчак», «қувача ислими», «палак ислими» каби композициялар билан беади. 1961 йил Алишер Навоий номидаги катта Академик опера ва балет театрнинг ганч ўймакорлиги безаклари қайта тикланди.

Хоразм ўзининг қадимий ёдгорликлари билан жаҳонга машҳурдир.

Хоразмдаги Ислохўжа минораси, Фахриддин Рози мақбараси, Жума масчити ва бошқа тарихий обидалар Ўрта аср Шарқ меъморчилиқ санъатининг гўзал намуналаридан биридир. Улар ўзининг содалиги ва нақш мотивларининг улуғворлиги билан дунёга дон таратган.

Хивадаги тарихий обидаларнинг ҳар бир шаҳар меъморчилиқ ансамблининг таркибий қисми бўлса-да, аммо уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос такрорланмас санъат асаридир.

Жума масжидининг нақшлари ранг-баранглиги билан кишини қойил қолдиради, ўйма мрамор плиталар, сирланган ғиштлардан терилган нақшин деворлар, теракота мозамкадан ишланган шакллар тоқчалар, деворларга солинган тасвирлар ўзоро уйғунлашиб яхлит бадиийлик ҳосил қилади.

Хоразмнинг бадиий архитектура ёдгорликлари XIX-XX аср бошларида Хива шаҳрида бир жойда яхлит ҳолда тўпланиб қолганини кўрамиз.

Хоразмнинг бадиий ёдгорликлари XIX-XX аср бошларида Хива шаҳридаги пишириб ишланган нақшларни кўрсак ўзига хос шакларидан иборатлиги, нақшларнинг ўзига хос айланма спиралсимон композицион тузилишига эгаллиги ҳамда новдаларнинг жуда нозик чизилишини, ўйилиши, чизиқларнинг бир-бири билан кесиб ўтганлиги жим-жимадорлиги билан ажралиб туради. Хоразм санъатида гулларни спиралсимон тузилиши жуда қадимда қўлланиб келганлигини

кўриш мумкин. Эрамиздан олдинги III асрларда қурилган Тупроққалъа саройи хоналаридаги безакларда кўриш мумкин.

XIX асрда Хоразм спиралсимон тузилишдаги нақшлар билан ёдгорликлар безатилган.

Хоразм меъморчилигининг манзарали безакларида геометрик нақш кенг ўрин олган бўлиб, Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига қараганда ўзига хослигига эга. Лекин улар жуда кам фарқ қилади. Айниқса, ўсимликсимон нақшлар спирал шаклида айланма ҳаракатчанлиги, динамиклиги билан фарқ қилади. Хоразмда «мадохил», «турунж», «қалампир» шаклидаги нақш композициялари ва бошқалар кенг ўрин олган. Хоразм ганч ўймакорлигининг нақш композицияси сўзанани эслатади. Сирли кошин нақшларига қараганда ганч ўймакорлик, ёғоч ўймакорлик Хоразмда унча ривож топмаган бўлсада лекин ўзига хос хусусиятлари билан бошқа шаҳарларда ўйилган нақшлардан фарқ қилади. Ганч ўймакор усталар кўп бўлса-да, лекин баъзилари ўймага мослаб нақш композицияси чиза олмас эдилар. Шунинг учун улар махсус нақш чизиб берувчиларга мурожат қилар эдилар.

Гирих композицияси чизиб берувчи устани гирихкор уста деб юритар эдилар. Бундай Хоразм усталаридан Худайберган Полвонов, Эшмухаммад Худайбердиев, ака-ука Вафо ва Болта Мирзаевлар, Хожиниёз Саидниёзов, Матёқуб Жошебеков, Худайберган Матчанов ва бошқалар бор эди.

Хивалик қадимий ганч ўймакор усталар фақат ганч ўйиш, нақш чизишни билибгина қолмай, балки улар мусиқа, шериятни, тарихни яхши билганлар ва нихоят мадрасада ўқиганлар. Бундай усталарни ҳақийқий ганч ўймакор уста хисоблаганлар.

Улар мусиқа асбобларида чалишни, талим олган ва кўп йиллаб амалий ишлар қилганлар.

Хоразм ганч ўймакорлиги санъати тобора юксалиб бормоқда. Ҳозир Хоразмда қурилаётган кўп қаватлий салобатли бинрлар ганч нақшлари билан безалмоқда. Ганчкорлик санатини ажойиб намуналарини музейларда, кўرғазмали хоналарда, маиший биноларда, кофе, ресторан, завод, фабрика, театр хаттоки турар жойларда ҳам учратиш мумкин.

Ганчкорлик қадимий санъат турларидан бири бўлиб, ўз аксининг дунё меъморчилигида жумладан. Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Арабистон, Афғонистон ва бошқа шарқ меъморчилигида намоён этиб келмоқда. Айниқса Ўрта Осиёда яратилган асарлар ўзига хос бадиийлиги, композицияси ва ишланиш услуби билан фарқ қилади. Ҳозирги кунда ганч серқуёш Ўзбекистонимизда ардоқланиб авайлаб муҳофаза қилинаётган кўпгина ёдгорлик обидаларига кўркамлик, гўзаллик бахш этиб турибди.

Ганч ўймакорлиги санъати асрлар давомида ўзига хос услуб билан ривожланиб келди. Бу санъатнинг энг қадимги, Ўрта асрлардаги ва XX асрдаги ривожланишни кўздан кечириб, ўрганиб чиқсак, бу даврдаги ганч ўймакорлиги бир-биридан анча

фарқ қилади. Қадимги ганчкорлик ҳажмий бўлиб реалистик тасвирлар асосида ишланган. Уларда кўпинча одамлар, ҳайвонлар, қушлар тасвири ишланган.

X-XI асрларда наққошлик, ёғоч, тош ва ганч ўймакорлиги янада ривожланди. Мураккаб абстракт тасвирини акс эттирадиган нақшлар пайдо бўлди. Ганч ўймакорлиги ишлари уйнинг ички ва намгарчилик тегмайдиган ташқи қисмига ҳам қўлланила бошлади. XIII асрда ганчкорлик санъати янада ривожланди. Бунга Африйсиёда топилган ажойиб ганч ўймакорлиги ишлари мисол бўла олади.

Тошкентда ганч ўймакорлиги жуда қадимдан ривожланиб келаётган санъат турларидан биридир.

Тошкент ганч ўймакорлиги мактабида Усмон Икромов, Уста Тошпўлат Арслонқулов, Махмуд Усмонов, Ҳаёт Абдуллаев, Зиёдулла Юсупов, Тохир Умаров каби қатор етук усталар етишиб чиққанлар. 1918-1920 йилларда ҳунармандлар уюшмаси Тошкентда Ўлкашунослик ҳунармандлар ташкилоти, ўқув наъмунавий устахоналар ва ҳунармандчилик ишлари бўйича музей ташкил этди. Ўзбекистон ҳунармандлари ўз ишлари билан 1937 йилда Парижда «Санъат ва техника ҳохирги кунда» деган кўргазмаларда иккита «Гран при» иккита кумуш медаль ва битта олтин медаль билан мукофотландилар. 1947 йили Тошкентда мемор А.Мухаммаджон бошчилигида Курант биноси қурилди. Бу бинони безашда Уста Ширин Муродов қатнашди.

Ўзбекистон меъморчилигига катта ҳазина бўлиб қўшилган Ўзбекистон Давлат опера ва балет катта театри 1947 йили академик архитектор Алексей Шусевнинг лойихаси ва раҳбарлиги остида қуриб битказилди.

Тошкент ганчкорлик мактаби ўзига хос нақшлар нозиклиги, аниқ симметрик тақсимга эгалиги жозибадорлиги билан ажралиб туради.

Ўзбек ганчкорлик санъатининг машҳур усталаридан бири Тошпўлат Арслонқулов 1882 йили Тошкент шаҳрида ганч ўймакор уста оиласида туғилди. Отаси Арслонқул Назаров ўша даврда машҳур усталардан бири эди. Арслонқул Назаров ўз ўғлини ўн икки яшарлигида ҳунар ўргатиш у чун ўзи билан олиб юрди. Унга ганчкорлик сирларини нақш композицияларини ўзига хос пардоз бериш йўллари ва бошқаларни яхшилаб ўргатиб борди. Айниқса чока пардозда кўп ишланди. Тошпўлат анча йил отаси билан юрди аввал у, отасига лой қориб берди кейин нақшлар заминини ўйди сўнгра оддий пардозларни ўйди.

XIX асрлар охирида Тошкент Ўзбекистон кўчасидаги Юсуф Давидовнинг уйини ганч ўйма билан айвон ва меҳмонхонасини ота-бола безаганлар. Бироқ жуда баланд серхашам безатилган.

Тошпўлат Арслонқулов бирор хонага композиция чизар экан нақш битганда қандай чиқиши, замини, ўймаси унинг ингичка ёки ёғонликларини, хона ёруғлигини ҳисобга оларди ва ўзига хос пардоз турларини танлар эди.

Бу усталар ижодларининг муҳим томони шундаки замонавий биноларнинг баландлиги, кенглиги ва функциясига мос ҳолда замон талабига жавоб берадиган асарлар ижод қилишидир.

Бу санъаткорларнинг кўплаб асарлари жаҳон миққиёсида ўзини гўзаллигини кўз-кўз қилмоқда.

Назорат учун саволлар.

1. Тошкент Навоий номли опера ва балет театри қачон қурилган?
2. Курант биноси қачон ва кимлар томонидан қуриб битказилди?
3. Тошпўлат Арслонқулов қачон яшаб ижод қилган?

Таянч иборалар.

1. Қадимги ганчкорлик санъати.
2. VII-VIII асрда Варахмадаги топилмалар.
3. Ўзбекистонда ганчкорлик санъати.
4. Тошкент ганч ўймакорлиги.

4-маъруза

Мавзу: Каштачилик санъати тарихи.

Режа:

1. Каштачилик санъатининг қадимий тарихи.
2. Европа мамлакатларида каштачилик.
3. Тасвирий санъатнинг каштачиликка таъсири.
4. Ўзбекистонда каштачилик.

Каштачилик - кашта тикиш касби, амалий санъатнинг қадимий сохаларидан бири бўлиб келган.

Архиологик топилмалар каштачиликнинг деярли барча халқларда қадимийлигини, иқлим, табиий шароит, муҳит билан боғлиқ ҳолда ҳар бир халқнинг маданияти, санъати, касб ҳунар турлари билан бирга, уларни тасири билан ривож топганини кўрсатади. Каштачиликни пайдо бўлиши теридан қилинган кийимларда боғлам ва чокларни юзага келиши билан боғлиқ.

Давирлар мобайнида тошлардан суяклардан бигизларга метал бегизлардан ўтиш билан, тўқиш, шунингдек мато тўқиш бўйиш ва бошқа ишлар билан боғлиқ.

Каштачилик тарақиётни Қадимги Осиё, Европа, Америка, маданий ёдгорликлари адабий манбаълардаги кашталар тасвирида, шунингдек, сақланиб қолган каштачилик намуналардан кузатиш мумкин. Каштачилик маҳсулотининг энг қадимий носхалари сақланмаган. Каштачилик ривожланган ҳақларда унга

тасвирий санъатни тасири катта бўлган. Масалан: XI асрга оид инглиз кашталарида жанг лавхалари акс эттирган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида кашта тикиш машинаси ихтиро этилгач, саноати ривож топган мамлакатларда Каштачилик короналар вужудга кела бошлади. Ишчиларни йўлга қўйилиши анъанавий каштачиликни инқирозга учратди. Каштачиликдаги мавжуд анъаналар сусайиб кетди, арзон бохо машина кашталари катта маҳорат ва кўп меҳнат талаб қиладиган қўл кашталарини сиқиб чиқарди.

Лекин бир қанча мамлакатларда машина каштаси билан бир қаторда қўлда кашта тикишга катта эътибор берилмоқда, каштадўзларнинг ишлари музейларни жамоат биноларни безамоқда. Қадимий кашталар деярли Ўрта Осиёда сақланмаган. Музейлардаги палак, сўзана, чойшап, кирпеч, зардевор сингари бадий буюмлар фақат XIX асрга мансуб.

XII асрга мансуб кашталарда византия икона санъатининг таъсири кўзга ташланади. Хитойда XIV асрда «сюхуа» (игнали тасвир) номи билан машхур бўлган каштали намоёнлар услуби жихатдан шойига туш билан ишланган манзара жанрига яқин. Европада Каштачилик уйғониш даврида юқори поғонага кўтарилди. Даврнинг буюк рассомлари (Мас, Пружино, Ботичили ва бошқалар) номи билан каштадўзлар учун андозалар тайёрлаб беришган, бу эса кашталарни бадийлигини оширган. Каштачиликда қимматбаҳо тошлардан ҳам фойдаланишган, ип, жун, ипак, зар ва кумуш суви берилган иплар ишлатилган.

XVIII асрда аслзодалар кийимини тикишда кашталардан фойдаланилган. Кашта буюмлари кенг тарқалган.

Ўрта Осиёда айниқса, ўзбек, туркман, тожик аёллари ўртасида Каштачилик кенг тарқалган. Кашта тикиш услублари турли-туманлилиги ўзбек каштадўзларнинг санъатидан далолат беради. Масалан: Нурота, Бухоро, Самарқанд Каштачилик маҳсулотлари йўрма кандахаёл чок билан, Шахрисабзда йўрма, ироқи, Тошкентда эса кўпроқ босма чок билан тикилган. Ўзбек каштадўзлари буюм безакларида амалий санъатини бошқа турларида андоза олганлар. Каштадўзларда ўсимликсимон тасвирлар шох, гулбанд, гулдасталар кўп учрайди.

Каштада ишлатиладиган асосий иш қуроллари игна, илмоқли игна, илмоқли бегиз, ангушвона, чанбарак ва бошқалар. Кенг тарқалган чоклар кандахаёл, чиннихаёл хомдўзи, йўрма, ироқи, покур, илмоқ, бахлия ва бошқа чоклар киради.

Назорат учун саволлар.

1. Каштачилик санъати ривожланиши тарихи қачон ташкил топган?
2. Каштачилик машинаси қачон ихтиро қилинган?
3. Каштачилик санъатининг ривожланиши.
4. Ўзбекистон ва чет эл каштадўзларини яратгани фарқи нимада?

Таянч иборалар.

Каштачилик санъати -

Жойнамоz –

Чойшаб –

Кирпеч –

Дўппи –

Белбоғ -

Каштачиликда асбоб ва ускуналар -

5-маъруза

Мавзу: Ёғоч ўймакорлик санъати.

Режа:

1. Ёғоч ўймакорлиги ривожланиш тарихи.
2. Тош ва суяк ўймакорлиги санъати.
3. Ёғоч ўймакорлиги мактабларининг ўзига хослиги.

Ёғоч ўймакорлиги ўзбек халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган бир тури. Бунда бирор нақш ёки тасвир тахта ёки ёғоч буюмларга чизиб, кесиб, ўйиб ишланади. Бадиий санъатнинг бу тури деярли барча халқларда бўлиб, қадимий шарқда антик дунё мамлакатлари архитектурасида кенг ишлатилган. Асрлар давомида Европа ва Осиё мамлакатларида ёғоч ўймакорлигининг ривожланиб ўзига хос бадиий услублар келиб чиққан. Шу сингари Ўрта Осиёда ҳам ёғоч ўймакорлиги қадимдан ривожланиб кишиларнинг уй рўзгор буюмларида ва архитектурасида жуда кенг қўлланилган. Бу ўймакорлик қадимий архитектуранинг эшик, дераза, устунлар, ҳар хил тўсин, стол, хонтахта, қутича, рамка, қаламдон ва бошқа буюмларни безашда ишлатилиб келинган.

VII асрнинг охиригача маҳаллий ўзбек халқи ичида ёғоч ўймакорлик тез сураглар билан ривожланган эди.

XI–XII асрларда халқ амалий саънати янада гуркираб ривожланди. Мураккаб нақиш тури бўлган геометрик нақиш, яъни **гириҳ** нақши безакда етакчи ўринни эгаллади. Масалан XII асрга оид ёғоч ўймакорлиги намунаси Самарқанддаги Шоҳи–Зинда деворининг орасидан топилган бўлиб, у ўзининг бадиий нафис ва табиий ишланганлиги билан кишини лол қолдиради.

XIX ва XX асрларда ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик, наққошлик ва бошқа санъат турлари ривожланиб ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос ёғоч ўймакорлиги пайдо бўлди. Қўқондаги Ҳудоёрхон саройи, Тошкентдаги Н.К.Романовларнинг саройи, Қувадаги Зайниддинбойнинг уйи, Марғилондаги Саидахмадхўжа мадрасаси,

Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса ва бошқаларда ажойиб ёғоч ўймакорлиги намуналари яратилди.

Ўзбек халқининг энг кўзга ташланган усталаридан Олимжон Қосимжонов (1878-1942), Сулаймон Хўжаев (1866 1946), Мақсуд Қосимов ва бошқалар ажойиб намуналари яратдилар. Улар ўзига ҳос ёғоч ўймакорлиги мактаблари яратиб ажойиб шогирдлар етиштирдилар.

Ёғоч ўймакорлигининг ўзига ҳос турли услуб ва усуллари бор.

Масалан, Марғилон ёғоч ўймакорлигини чуқур заминли ясси ўймани қўллаб келганлар.

Қўқон ўймакорлиги эса калта бўртмали, ясси ўйма ишлатганлар.

Тошкентда эса нақш билан қонланган ясси бўртмали, заминсиз чизма ёғоч ўймакорлиги кенг тарқалган.

Ҳива ёғоч ўймакорлиги ўймасининг монументаллиги, ёғоч табиий рангини сақлаб қолиши билан бошқалардан фарқланади.

Бухоро ёғоч ўймакорлиги эса ўйма нақшнинг жозибадорлиги, жимжима нақшларни олтин, кумуш суви билан безатилиши, нақш заминида ранглардан фойдаланиши билан ажралиб туради.

Тош ва Суяк ўймакорлиги санъати

Тош ўймакорлиги халқ амалий безак санъатининг ноёб турларидан бири. Бу санъат кишидан истеъдод ва интилишдан ташқари меҳнатсеварлик ва ғоятда зўр сабр-тоқат талаб қилади. Бу санъатни тоштарошлик ва сангтарошлик деб ҳам юритилади. Тош ўймакорлиги тошни ўйиб, йўниб, нақш ёки бирор тасвир ишлаш касбидир. Тошни ўйиб ишлашнинг чизиқли ўйма, занжира ўйма, панжарасимон ўйма ва ҳажмли ўйма турлари бор. Тош ўймакорлигида ишлатиладиган материаллар ўрни, ўртача қаттиқликдаги ва қаттиқ тошлар ишлатилади. Юмшоқ тошларга жипстош, талькохлорит, оҳактош, ўртача қаттиқликдаги тошлар оникс, порфир, оҳакли мрамор, мрамор ва қаттиқ тошларга лазурит, амазон, атаг, малахит, жадент, нефрит, яшма ва бошқалар киради. Бу тошлардан қозон, кўза, лаган, пиёла, ҳайкалча ва ҳайкаллар тайёрланади. Кўза, лаган, намоён ва бошқаларга ўйиб ўсимликсимон, геометрик рамзий нақшлар ҳамда сюжетли расмлар ўйиб ишланади. Жумҳуриятимиздаги водий ва тоғлар узоқ инсоният тараққиётидаги ўтмишда моддий маданиятнинг ўчоғи ҳисобланган.

Тош ўймакорлиги санъати гуллаб яшнамоқда, қўлигул усталар Р.Обидов, А.Болтаев, З.Худайберганов, Ҳ.Раҳимов, Б.Давлатов, А.Бекжонов, К.Полвонов, З.Абдулов, К.Рўзметов, Жалол Жўраев, Абдурахмон Турдиев, Бақо Камолов, Бобоназар Жабборов, Абдулла Ҳайитов, Салимжон Ҳамидов ва бошқалар яратган асарлар халққа хизмат қилмоқда. Тош ўймакорлик санъати ноёб санъат тури бўлиб, янги замон нафаси билан янгича жило ҳамда янгича гўзаллик касб этиши шубҳасиздир.

Суяк ўймакорлиги.

Ўзбекистон халқ амалий безак санъати ичида суяк ўймакорлиги ҳам санъатнинг турлари каби тез суръатлар билан ривожланмоқда. Суяк ўймакорлиги Ўзбекистонда санъатнинг энг ёш туридир. суяк ўймакорлиги Ҳиндистон, Ёқутистон, Африка, Хитой, умуман шарқ мамлакатларида юксак даражада ривожланган.

Суяк ўймакорлиги жуда қадимий санъат, буни ҳар хил археологик топилмалар тасдиқлайди. Ўрта Осиёда суяк ўймакорлиги географик шароит туфайли ривожланмаган. Аммо халқ амалий санъатининг бошқа турларида (пичоқчиликда) қўлланилган. Булар оддий суяклардан (қорамолнинг, эчкининг суякларидан) ишланган.

Ўзбекистонда суяк ўймакорлиги 1959 йили кириб келди. Ўзбекистонда ягона ёғоч ўймакор ва суяк ўймакор уста Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ортиқ Файзуллаевдир.

Ортиқ Файзуллаев ёғоч ўймакорлиги билангина шуғулланмай, ўзбек ўймакорлари орасида биринчи бўлиб ёғоч ўймакорлигини ҳам чуқур ўрганди. У Москва, Киев музейлари ва фабрикаларига бориб, суяк ўймакорлигини ўрганиб келди.

Суяк ўймакорлигида, – дейди Ортиқ Файзуллаев, – “Мамонт тиши”, “Морж тиши”, “Фил суяги”, “Мол суяги” ва шохлари, отнинг суяги ва бошқа ҳайвон суяклари ишлатилади.

Санъаткор яратган асарлар Япония, Германия, Польша, Туркия, Финландия каби чет эллардаги халқаро кўргазмаларда намойиш қилинган.

Ёғоч ўймакорлигининг ўзига хос тури ва усуллари бор. Масалан: Хива ёғоч ўймакорлигининг монументанлиги, ёғоч табиий рангини сақлаб қолиш билан бошқалардан фарқланади.

Бухоро ёғоч ўймакорлиги эса ўйма нақшнинг жозибадорлиги, жим-жима нақшлари олтин, кумуш суви билан безатилиши, нақш заминида ранглардан фойдаланиш билан фарқ қилади. Марғилон ёғоч, ўймакорлиги чиқиш залини ясси ўймани қўллаб келган.

Қўқон ўймакорлиги эса нақшни бўртмали ясси ўйма ишлашган. Тошкентда эса нақш билан қопланган ясси бўртмали, заминсиз чизма ёғоч ўймакорлиги кенг тарқалган.

Тошкент ёғоч ўймакорлик мактаби. Бу мактабга мансуб усталар ўйма нақшларни 1-2 қават қилиб ўядилар, кейинги лой ишларида эса уч қаватли ўймалар бажаришга ўтмоқдалар. Композиция жихатдан ўртага чуқурликда ўйилиб, ўсимликсимон, геометрик, гулли грих, хаттоки рамзий нақшлар бошладилар. Пардознинг ҳамма турларини қўллайдилар. Улар кўпинча ёнғоқ, чинор, ёғочларни ишлатадилар. Тошкент усталари рельеф юзасига озгина ранг бериб рельефни ўзини чоплайдилар.

Хива ёғоч ўймакорлиги мактаби бошқа мактабларга қараганда, ўйма нақшларнинг майдалиги, нозиклиги, заминининг камлиги, нақшларнинг зичлиги

ҳамда бадиий тузилиши жихатидан ўйноқлиги, яъни новдаларни спралсимон ишланиб ажойиб шакллар ҳосил қилиши билан фарқ қилади. Хива ўймакорлиги усталари кўпинча қайрағоч, терак ва чинор ёғочларни кўпроқ ишлатадилар. Улар ёғоч рангини табиийлигини сақлаган ҳолда юзасига ва заминига тахта, зиғир ёғи берадилар. Хива ёғоч ўймакорлиги мактаби ўзининг монументилилиги билан машхурдир.

Қўқон ва Фарғона ёғоч ўймакорлиги мактаби.

Қўқон усталари қошига, курси, расм ва бошқалардан калта бўртмали ясси ўймани, каргори услубда ишлатиб келиб, архитектурада эшик, устунларга йирик чуқур нақшлар ўрнатиб ўзгача мактаб яратдилар. Бу мактаблар ўймаларнинг манументилилиги билан фарқ қилади.

Қўқон ёғоч ўймакорлиги мактаби терак, ёғоч ва бўк материалларидан кўпинча фойдаланадилар. Усталар ўйилган рельефнинг фақат юзига тўқроқ ранг бериб кейин лаклайдилар.

Марғилон ёғоч ўймакорлик мактаби ўзига хос миллий кўринишга эга бўлиб ўйманинг чуқур заминли ясси қўллайдилар. Кейинги вақтда Марғилон усталари биноларни ёғоч ўймакорлиги билан безашда пайия ишлар қилдилар.

Ўзбек халқ амалий безак санъатининг энг кенг тарқалган турларидан бири кандакорликдир. Кандакорлик деганда металдан ясалган бадиий буюмларга ўйиб ёки бўртик қилиб нақш ишлаш тушунилади.

Ўрта Осиё шаҳарларида кандакорлик санъати ўзининг қадимийлиги билан кулолчиликдан кейин иккичи ўринда туради.

Кандакорлик санъати рамзий ифодаларни янги услублари ҳамда ғояларни тарқатиш манбаи бўлиб хизмат қилган. Махалий усталар олтин, кумуш, жез, мис ва бошқа металллардан ҳар хил буюмлар ясаганлар. Қадимги ва илк ўрта аср кандакорлиги асосан талланган кумуш буюмларда ўз ифодасини топди.

XI асрдан бошлаб кандакорлик махсулотларини мис ҳамда II аср бошларидан биринчи (махсус мис топилмаси) тўғнағичлар Миср, Ўрта ер денгизи, Месопатамия, Ҳиндистон, Ўрта Осиёда кенг тарқалганлиги аниқланган. Тўғнағичларда кичик-кичик воқеалар, хайвон ва бошқа нарсалар тасвирланган. Жумладан Фарғонада топилган маросим қозони 1 минг йилликнинг ўрталарида кандакорлик «хайвонот услуби» ривож топганлигини исботлайди.

IV асрда Ўрта Осиё жанубий вилоятларининг Александир Македонский томонидан босиб олинishi тасвири ва амалий санъатнинг махалий санъатларининг тарқатилишига имкон яратди.

III-VIII асрларда Ўрта Осиёда кандакорлик юқори даражада ривожланди. Қимматбаҳо металллардан қолиплар ҳамда аъёнлар учун ҳар хил ниҳоятда чиройлий безак буюмлари ишлатилди. Бу олтин ёки кумуш буюмларда тўй томоша тахтга ўтириш маросимлари, дунёвий мавзулар, ишкор ва кураш

манзаралари, ишоролиги ҳамда эпик кахрамонлар, ҳаётий мавжудод, парранда ва бошқа тасвирларни кўриш мумкин эди.

VI-VII асрларда бадий металл буюмлар юксак техник сифатда бажарилганлигига Аников лагани мисолдир. Бу лаганда қалъа дарвозаси олдидаги сахна тасвирланган «Яккама-якка олишув» воқеаси тасвирланган коса ўша давир ҳаётида бир парча бўлиб, ундаги ўйманинг майинлиги, аниқ нафосати, композицияси, тасирчанлиги, кучлилиги билан машҳурдир.

IX-XIII асрларда қумиш ишлаб чиқариш инқирозга учрайди, Темур хукмронлиги давригача буюмлар асосан бронза ва мисдан таёрланган.

XIX аср охирига келиб кандакорлик буюмларини яшаш ва безаш бўйича ҳар бир шаҳар, вилоят учун ўзига хос миллий ҳарактерга эга бўлган мактаблар очилди. Кандакорлик техникасининг ўзига хос маҳаллий хусусияти биринчидан зарбанинг чуқур ёки юзалигида, иккинчидан нақшлар сирти ва заминнинг беағига қўлланиладиган усуллардан иборатлигидир. Буни турли туман ва вилоятлардаги металл буюмлар барча белгиларини ўзаро солиштиришимиз мумкин.

Тошкент XVIII асрнинг охирида Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидан эди. Унинг Афғонистон, Хитой ва Россия давлатлари билан савдо алоқаси жуда яхши бўлган. Россиядан мис, темир, қумуш сотиб олинар эди.

XIX-XX асрларда Тошкент усталари чой идиш чиқариш билан бирга кашнил, сатил, офтоба ва бошқа идишлар ишлаб чиқара бошладилар. Тошкентга Самарқанд, Қўқон, Хива ва бошқа жойлардан кўплаб кандакорлар келади. 1920 йиллардан сўнг кандакорлик ривожлана бошлади ва Тошкентда бадий ишлаб чиқариш ўқув комбинати очилди. У ерда кўпгина кандакорлар тайёрлана бошлади.

Тошкент кандакорлик санъати шакллариининг катталиги, нақшларнинг соддалиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Тошкент кандакорлигида янги хошия йўлларда асосан ўсимликсимон, «ислими нақш» (илон изи) ишлатилади. Тошкентлик кандакорлар санъат асарларида теварак атрофимизни ўраб турган 7 нарсаларни нақш орқали акс эттирадилар.

Уста Мўмин, Абдуқори Юсуфжон ва қизи Зебинисо, Жамила Саидова каби усталар Тошкент кандакорлик вакиллариандир.

Самарқанд санъати, маданият ҳамда бадий ҳунармандчилик кенг ривожланган ер қуррасидаги энг кўхна шаҳар.

Кандакор уста камол XVI асрда Самарқандда яшаб ўтгани У даврда унга тенг келадиган уста бўлмаган.

XVII асрдан бошлаб XIX асргача базида ҳунарманчилик бўзида ривожланиб, базида инқирозга учраб туради. XIX асрда Самарқандда ҳунарманчилик ривожланди, мисгарлик ҳамда кандакорликнинг ўзига хос мактаблари пайдо бўлди. 1924- 1930 йилларда Ўзбекистоннинг пойтахти Самарқандда мисгарлик ва кандакорлик янада ривожланди. Самарқанд кандакорлик буюмларини пардозлашда гардишга ўхшаш чекмани қўллаш билан ажралиб туради. Усталар нақш талабларини узликсиз давом этирб бошқалари билан чирмашган

танобларини энлироқ килиб ишлайдилар. Уларнинг нақишлари Хива, Фарғона, Бухоро нақишларига ўхшамайди. Самарқандлий усталар чор барг гулларни жуда кўп ишлатадилар.

Уста Аҳмат, Салим мисгар Уста Охунжон, уста Хайдар Хўжа, Карим /офуров, Карим Аҳмедов, уста Тоғай ва бошқалар Самарқанд кандакорлик мактабининг вакиллари дир.

Қаршида кандакорлик мактаблари XIX аср охири XX аср бошларида пайдо бўлди.

XIX-XX асрнинг бошларида Бухоро амири юборган беклар Қаршини бошқарар эди. Шунинг учун Бухоролик хунарманд ва меъморлар Қаршига юборилар эди. Қарши кандакорлиги Бухоро тасвирида бўлсада, унинг ўзига хослиги ҳам бўлган. Масалан Қаршида мис буюмларига ҳар хил рангдор ишланмалар қадап, нақшларни рангдор лаклар билан қоплашган.

Қарши кандакорлари мис буюмларини ўзлари ясаб ўзлари беаганлар. Улар бунда қолипи усилидан фойдаланганлар. Қоплама мис парчалари феруза ранг ойналаридан кўз қўйиб. Нақиш заминларини рангли лаклар билан бўяшган.

Қарши кандакорлик буюмларини беаган ўсимликсимон нақишлар Бухоро нақшларига қараганда оддийроқдир. Қаршида ҳам мисгарликни кандакорлик билан бирга бажарилган.

Саъдий Шарофи Асад, уста Абдуқодир Низомиддин, уста Ўрин, Салоҳиддин, Икромиддин, Худайберди Жўраев ва бошқалар Қарши кандакорлик мактаби намоёндаларидандир.

Назорат учун саволлар.

1. Қандай ёғоч ўймакорлик мактаблари бор?
2. Тошкент ёғоч ўймакорлик мактабида қандай нақшлардан фойдаланадилар?
3. Хива ёғоч ўймакорлиги мактаби бошқа мактаблардан қайси томонлама фарқ қилади?
4. Қўқон ёғоч ўймакорлик мактабида қандай материаллардан фойдаланадилар?
5. Марғилон ёғоч ўймакорлик мактабини бошқа мактаблардан фарқи.
6. Кандакорлик санъати тушунчаси ҳақида фикрингиз.
7. Тошкент кандакорлик санъатининг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
8. «Тугмача» нақиш қайси вилоят кандакорлигида ишлатилади.
9. Самарқанд кандакорлик мактаби пайдо бўлиши, ривожланиш ҳақида нималарни биласиз.
10. Қарши кандакорлигига хос хусусият ҳақида гапиринг.

Таянч иборалар

1. Ўймакорлик турлари.
2. Ёғоч ўймакорлиги мактаби.
3. Кандакорлик санъати.

4. Суяк ўймакорлиги.

6-маъруза

Мавзу: Кулолчилик санъати тарихи.

Режа:

1. Кулолчилик санъатининг яратилиши.
2. Кулолчилик санъат тарихи.
3. Кулолчиликка хисса қўшган атоқли усталар.
4. Хоразмлик кулол Раимберди Матжонов.

Кулолчилик қора лойдан мўъжизакор гўзаллик яратган Шарқнинг энг қадимий ҳамда навқирон санъатидир.

Бу қора лой, саховат, ҳалоллик, эзгулик тимсолидир. Тупроқ инсонларнинг барча эҳтиёжни ўз зиммасига олган фаровонлик, тўқинлик, ризқ-рўз, гўзалликнинг энг олий кўриниши санъатининг заминидир. Ўзбек кулолчилиги узоқ тарихга, ажойиб анъаналар, шакл, мазмун, ижодий жараён ва ўзига хос услубга эга. Кулолчилик хунари лойдан, пиёла, коса, товоқ, кўза, лаган, хурмача, тоғора, хум, тандир, буюм, ўйинчоқлар, қурилиш материаллари ва бошқалар тайёрланадиган соҳа бўлиб, у узоқ тарихга эга. Махсус тупроқни ўта қиздирганда тошсимон бўлиб пишишини, ундан хар хил идишлар тайёрлашни одамлар жуда қадимдан неолит даврининг бошларидаёқ билганлар.

Улар аввал лойдан идиш-товоқлар ясаб, гулхонда қиздириб пиширганлар. Тупроқ жаҳоннинг ҳамма ерларида бўлгани учун кулолчилик кенг тарқалган бўлиб, дастлаб бу хунар билан аёллар шуғулланганлар.

Кулолчилик чархи милоддан аввалги уч минг йилликни бошларида ихтиро қилингандан кейин кулолчилик билан эркаклар шуғуллана бошлаганлар. Кейинчалик лойдан ясалган идиш-товоқларни махсус ўчоқ ҳамда хумдонларда пиширганлар.

VIII-XII асрларда кулолчилик Ўрта Осиёда яхши ривожланган. Буни Афросиёбда ва Ўрта Осиёнинг бошқа ерларида топилган кулолчилик буюмлари исботлаб берди. Ўша даврда Ўрта Осиё маданияти тез суръатлар билан ривожланди. Кўпгина олим, ёзувчи ва мутаффақкирлар, яъни Абу Али Ибн Сино, Беруний, Фирдоуси, Рўдакилар етишиб чикди. Бутун дунёга машхур бўлган меъморчилик ёдгорликлари бунёд этилди. XIII асрда мўғуллар босқинчилиги оқибатида Бухоро, Самарқанд, Урганч, Мавр, Балх ёнғин остида қолди. Оқибатда кулолчилик санъати ривожига путур кетди.

XIV асрдан бошлаб Ўрта Осиё территориясида кулолчилик тез суръатлар билан ривожланди. XIX асрга келиб кулолчилик мамлакатлари ташкил бўла бошлади.

Ўрта Осиёда сувга бўлган эҳтиёж катта бўлгани учун сопол идишларни тез суръатлар билан ишлаб чиқаришга эҳтиёж сезилди. Асрлар оша уларнинг шакли ва безаги нафислана борди. Усталар турли-туман кулолчилик буюмларини

ясашдан ташқари уларни юксак дид билан безай бошладилар. XIX асрда Ўрта Осиёда тожик ва ўзбек халқлари ўртасида кулолчилик жуда кенг ривожланиб /иждувон, Панжикент, Самарқанд, Шахрисабз, Тошкент, Риштонда кулолчилик марказлари пайдо бўлди.

1932 йилда Тошкентда ўқув ишлаб чиқариш ташкил этилиб у ерда халқ амалий санъати усталари шу қатори кулоллар тайёрлайдиган курслар ташкил этилди. Кулолчилик сир-асрорларини машхур кулоллар ёшларга ситқидилдан ўргатдилар. Булар Риштонлик Муҳаммад Сиддиқ, Усмон Умаров, Тошкентлик Туроб Миралиев, Шахрисабзлик Рустам Эгамбердиев, Карим Хазраткулов ва бошқалар эди. Айниқса кулолчилик тадбиқ этишда Ўзбекистон халқ рассоми, санъатшунослик номзоди Муҳиддин Раҳимов самарали меҳнат қилди. У ўзига хос кулолчилик мактабини яратиб, халқ санъатига оид бир қанча асарлар ва ажойиб шогирдлар қолдирди.

Хоразм кулолчилик санъатига катта ҳисса қўшган усталардан бири Раимберди Матжанов-Хоразм бадий кулолчилик мактаби Ўзбекистон амалий безол санъатида алоҳида ўрин тутди. Кулолчилик мактаби Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлар кулолчилик мактабидан ўзига хос яшаш усули, технологияси, нақш композицияси, колорити, динамиклиги билан кишиларда алоҳида ўрин тутди. Раимберди Матжанов Хоразмнинг қадимий кулолчилик марказларидан бири Мадир қишлоғида 1909 йили кулолчи оиласида дунёга келди. Ўша даврда Мадир қишлоғида ўн беш кулолчилик устахонаси бор эди. Матжон кулолнинг ўғли Раимберди ўз отасидан кулолчилик сир-асрорларини ўргана бошлади. У аввал лойдан ҳар хил ўйинчоқлар шакиллар ясайдиган бўлди, кейинчалик ихчам бодия, кошинни ўрганди.

Назорат учун саволлар.

1. Кулолчилик санъати қачон пайдо бўлган?
2. Кулолчилик чархи қачон ихтиро қилинган?
3. Кулолчиликка ҳисса қўшган усталар кимлар?
4. Кулолчилик санъати қаерларда ривожланган?

Таянч иборалар.

1. Кулолчилик санъати ривожланиши.
2. Кулолчилик чархи.
3. Кулол усталар.
4. VIII-XII асрда кулолчилик.

7-маъруза

Мавзу: Пичоқчилик санъати.

Режа:

1. Пичоқчилик санъати тарихи.
2. Пичоқчилик санъати ривожланиши.
3. Пичоқчиликда ишлатиладиган асбоб ва материаллар.

Пичоқчилик санъати деганда биз пичоқ яшаш касбини тушунамиз. Пичоқ боболаримиз учун қадимдан тирикчилик воситаси бўлиб хизмат қилган. Ҳозирги вақтда пичоқ яшаш санъати халқ амалий санъати қаторида эъзозланиб келинаётир. Нодир пичоқлар яшашда ўзбек пичоқсоз усталарининг олдига тушадиган уста кам топилади. Пичоқ яшаш бошланғич палеолит давридаёқ маълум бўлган. Темир даврида хунармандчилик пайдо бўлган ва ривожланган. Мис ва бронзадан пичоқ яшаш бронза даврига келиб авж олган. Темирнинг кашф этилиши пичоқчилик санъати тараққиётида катта бурилиш бўлди. Ўрта Осиёда пичоқчиликнинг энг ривожланган жойи араб мамлакатлари бўлган, Испания ва Италияда эса тез ўсиб ривожланиб кетган

XVI асрда Германия, Англия, Австрия, Францияларда пичоқчиликни касб сифатида таъқиқлаб, пичоқни ошхоналарда ишлатишган. XVII аср бошларида пичоқнинг очиб ёпиладиган, пакки, устара ва бошқа чўнтакда сақланадиган паккилар юзага келди. Археологик топилмалардан маълумки, Ўрта Осиё территориясида миллион йил авва 2000 йилликга оид пичоқ намуналари топилган. Болалик тепа, Афросиёб, Варақша деворларига ишланган расмлардан маълум бўлдики, пичоқ уй-рўзгордан ташқари ҳарбий қурол сифатида ишлатилган. VI-XII асрларда пичоқ яшаш ривожланиб уни безаш технологиялари ўзгарган.

XV-XVII асрларда ёнга осиб юриладиган пичоқларнинг турли хиллари пайдо бўлди. Буни Навоий, Бобур асарларида ишланган миниатюралардан кўриш мумкин.

Кейинчалик пичоқчиликнинг ўзига ҳос мактаблари пайдо бўлди. Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё қадимдан пичоқчилик марказлари бўлиб, улар ўзининг ишлаш технологияси, шакли, катта кичиклиги ва безаклари билан фарқ қилган.

Ўзбекистон Республикасида 20 га яқин пичоқчилик марказлари бўлиб, улар ясашиш усулига кўра Чуст (тус) пичоғи, шаҳрихон пичоғи пойтуғ пичоғи, кўқон пичоғи, қорасув пичоғи кабиларга бўлинади.

Пичоқ турлари.

Ўрта Осиёда пичоқ алоҳида рамзий маънода, яъни барча ёзувлардан сақлаш маъносида масалан «дандон сопли пичоқ» ва «каркесонли пичоқ»лар илоҳий ҳисобланган.

Пичоқ қадимдан ишлатиб келинаётган асбоблардан бири бўлиб, уни тош, мис ва бронзадан ишланган. Пичоқ ва дастадан иборат.

Пичоқлар тузилишига кўра 3 хил бўлади:

Тўғри пичоқ,

қайқи пичоқ, бодомга пичоқ.

Тўғри пичоқ қадимдан ишлатиб келинаётган қайқи пичоқ - тиғни учи орқасига озгина қайрилган. Уни қиличак пичоқ, чакмоқи пичоқ деб ҳам юритилади.

Бодомча пичоқ - орқа қирраси учига нисбатан 4-5 см ичига камалак бўлиб кирган.

Ўрта сиямли пичоқ - пичоқ турларидан бири.

Кезлик пичоқ - болалар учун ишланган. Никоҳда берилади.

Бола пичоқ - болалар учун.

Чалабузар – пичоқни тиғи бўғзидан қайрилиб, дастасига ёпилган бўлади.

Мардона пичоқ - кашталар учун ишланган пичоқ.

Содда пичоқ - уй-рўзғорда ишлатиладиган пичоқ.

Гулдор пичоқ - дастасига нақшлар солинган.

Чилмихигулли пичоқ - дастасига чилмихлар қоқиб гулдор қилиб ясалган.

Руфта пичоқ - тиғининг юзи сидирғасига чархланган.

Ёғоч сопли пичоқ - ёғоч сопли пичоқ.

Шоҳдастали пичоқ - шоҳдан дастаси.

Дандон сопли пичоқ - пичоқнинг сопи филнинг тиши ва суягидан тайёрланган.

Ўн уч сопли пичоқ - пичоқ дастасига ўн уч дона садаф кўз солинган.

Ўн беш сопли пичоқ - пичоқ дастасига ўн беш дона гул солинган.

Пичоқнинг тузилиши.

Пичоқ 3 та қисмдан тиғ, даста ва қиндан иборат.

Тиғ-пичоқ тиғи, кесадиған қисми.

Пичоқ дастаси – суқма даста, ёрма ҳамда нақшинкор даста.

қин – пичоқ, қилич, ҳанжар ва бошқа асбобларни солиб қўйиш учун махсус мослама.

Пичоқчиликда теми рёки пўлатдан ишлатилади. Бронза даврида бронза ва мисдан яшашган. Темир кашф этилгандан сўнг темир пичоқ ясалган.

Пичоқчиликда – дўконда ўчоқ, дам, сандон, бозғон, эгов, болға ва бошқа жуда кўп асбоблар ишлайди.

Тиғомбир-тиғни яшашда қимчиб ушлаб туради.

Чарх-ҳар хил асбобларни ўткирланади.

Бигиз-гулбандини ўйиб гул солинади.

Кўк қалам – бигизни бир тури.

Нақш бигиз-нақш қаламни бир тури.

Нақш қалам-пичоқ юзига нақш ўяди. Пўлатдан ясалади.

Найча қалам – учи тирноқ шаклда нақш ўяди.

Қайроқ-қайраб, ўткирлайди.

Бозгардон – жимжилоқ йўғонлигида, бир қарич узунликдаги темир.

Бозғон-катта оғир болға.

Сандон-пўлатдан ясалган таглик.

Дам-форсча тин дегани – ҳаво қайнатиб ўтин ёндирадиган асбоб.

Чирмихипарма – Парма ўювчи асбоб.

Холгулпарма-парма, кўз парма.

Садаф арра – кичкина арра.

Сават қалам – гул ўрни ўйилади.

Пичоқчилик иши жуда нозик иш бўлиб кўп асбоб ускуна ишлатилади.

Назорат учун саволлар.

1. Пичоқчилик санъати тарихини айтинг?
2. Пичоқчилик мактаби мавжудми?
3. Пичоқ турларини айтинг.
4. Пичоқчиликда ишлатиладиган асбоб ва материалларни айтинг?

Таянч ибора.

1. Пичоқчилик тарихи.
2. Пичоқчиликдаги материаллар.
3. пичоқчиликда ишлатиладиган асбоб ва материаллар.

8-маъруза

Мавзу: Заргарлик санъати.

Режа:

1. Заргарлик санъати тарихи.
2. Ўрта Осиёда заргарлик санъати ривожланиши.

Ўзбек халқ амалий санъатининг турлари ичида зеб-зийнат санъати бўлмиш заргарлик алоҳида ўрин эгаллайди.

Мусулмонларда феруза, марварид, зумрад ва бошқа тошли заргарлик буюмлари ниҳоятда қадрланган. Чунки улар инсон учун фақат безак буюмлари бўлиб қолмай, балки соғлиқ учун, инсон руҳияти учун ижобий таъсир этган. Масалан, **марварид** инсон организмни мустаҳкамлайди, юракдаги тушкунлик ва изтиробни ҳайдайди, кўз қобилятини оширади, жинлардан сақлайди, оғизда қўланса хидларни йўқотади, ошқозондаги ва жигардаги тошларни майдалайди, шамоллаш, бавосил ва бошқаларни тузатади. **Феруза** эса уни қудратли тумор сифатида тақилган, ошқозон ҳамда кўз касаллигига шифобахш таъсир этган, илон чаққанда энг яхши даво ҳисобланган. Шунинг учун қадимда келинлар кийимига феруза тақишган. **Садаф** Шарқда ҳам, Европада ҳам юқори баҳоланган. Ундан тўғнағич, балдоқ, маржонлар илма тугмалар ясалган. Уни қадимда ошиқлар маҳбубасига совға қилган. У таққан кишини ажин ҳамда сепкиллардан асраган, зехни равшан қилган, кишини бардам, руҳиятини кўтарган.

Халцедондан ўтмишда маржонлар, узук, тўғнағичлар, билак-узук ва бошқалар ясалиб, у гўё одамларни қаҳру-ғазаб, ғаму-андухдан асраган.

Ўзбек заргарлиги жуда қадимий тарихга эга. Унга ибтидоий жамоа тузими даврида асос солинган. Археологик топилмалардан маълумки, заргарлик санъати жуда қадимий санъат бўлган. Эрамизгача бўлган I асрдан бошлаб эрамизнинг VIII асригача Айритом, Афросиёб, Далварзинтепа, Холгаён, Болаликтепада чиройлик хайкаллар, девор безаклари орқали заргарлик санъати ривожланганлигини кўриш мумкин.

Тош асрининг сўнги даври неолитдаёқ (эрамизга IV-III минг йилликнинг охирида) шилдироқ, мунчоқлар, ҳар хил тошлар, чиғаноқ ҳамда суяклардан

ясалган безаклар топилган. Бу эса заргарликни ривожланганлигидан далолат беради.

IV-V асрларда заргарлик буюмлари кам ишланган. Улар тош, шиша, пасталардан қилинган. Масалан, Хоразмда шишадан қилинган шер ва қурбақа шаклидаги мунчоқлар топилган.

X-XI асрлар ўртасида битта катта тешиги бўлган суякли тугмачалар кўп ишлатилган. XIV-XV асрларда заргарлик жуда яхши ривожланган бўлсада нимагадир бизгача жуда кам миқдорда сақланиб қолган. XVI-асрда ишланадиган кўкрак безак заргарлик буюмлари фақат деворий расмлар орқали етиб келган. XIV-XVII асрларда заргарлик буюмларининг нақш безаклари жудаям мураккаблашиб боради.

XIII-XIV асрларгача заргарлик буюмларида кўпинча ҳайвонлар тасвирлаган бўлса, кейинчалик эса араб ёзувлари композицияга кириб ўзига хос кўриниш берди. Бу ёзувлар бир томондан нақш беаги ва иккинчи томондан маъно жиҳатидан фарқланар эди. XVIII-асрда муғул босқинчиларидан сўнг биринчи марта олтин тангалар ишлаб чиқарила бошланди. Заргарлик буюмлари олтиндан, қумушдан ва бошқалардан ишланди.

XIX-XX аср бошларида Ўрта Осиё хонликлари ўртасида бадий хунармандчилик ривожланди, шулар қатори заргарлик ҳам тез суръатлар билан ривожланди. Кўпгина шаҳарларда масалан, Хива, Бухоро, Қўқон, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент, Андижон, Урганч, Нурота, Китоб, Чуст, Асака, /иждивон, Марғилон ва бошқа жойларда уста заргарлар бўлиб, улар махсус маҳалла-маҳалла бўлиб яшаганлар. Шунинг учун заргар (заргарон) маҳалла деб юритилган. Хивада 1860-йилда 12 та ва XX асрнинг бошларида Бухорода 400 тагача, Тошкентда эса 100 дан ортиқ, Самарқандда 1893 йили 20 дан ортиқ заргарлар дўкони бўлган. Ўша вақтда катта шуҳрат қозонган заргар усталардан Қўқонда уста Маҳмуд, уста Омон хожи, М.Раҳимов, Ҳ.Нажмиддинов, Наманганда уста Ниёз Охун, Андижонда уста Ойберган, Ҳ.Отабоев, Тошкентда С.Бобожонов, Охун Бобожонов, уста Самиғиддин, А.Шоисломов, уста Мирҳалил, Урганчда М.Абдуллаев, Самарқандда Ҳ.Йўлдашев, И.Комилбоев, В.Ҳафизов ва бошқалар бор эди.

Ҳозир республикасимизнинг Андижон, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Бухоро ва бошқа шаҳарларда заргар усталаримиз бугунги кунда янги материаллар ва шаклларни ишлатиш билан бирга, заргарларнинг энг яхши қадимий анъаналари ва бой тажрибаларидан самарали фойдаланиб келмоқдалар. Улар ҳозирги авлод дидига мос нафис заргарлик буюмларини кўплаб ишлаб чиқариб, ҳаридорларни янада хушнуд этмоқдалар.

Заргарлик буюмлари.

Безаклар. Аёллар либосининг кўп қисмини эгаллайди. Баъзи бир зеб-зийнатлар бир умр тақиб юрилади.

Пешонага тақиладиган тиллақош, болиабрў, барак, қулоққа зирак, бошга такдўзи, сангоқ, олтин тумор, кўкрак беагига мунчоғ, зебигардон, туморча, гажак, бурун беаги, қўл беаги, билакузук, бармоқ безаклари ва бошқалар.

Соч попук – сочга тақадиган сочпопук.

Билакузук – олтин, қумуш, мисдан ясалади.

Зебигардон – форсча-тожикча бўйин беаги.

Заргарликда XVIII асрда тилла, кумуш, ҳар хил қотишмалар, бронза, рангли тошлар.

Энг кўп олтин – кумуш ишлатилади.

XIX асрда олтин ишлатиш кўпайди.

Биринчи даражали тошларга – олмос, сапфир, зумрад, ёқут, александрит, шпинель, эвклаз, олтин, платина, марварид.

Иккинчи даражали тошларга – аквамарн, топаз, воробьевит, қизил турмалин, циркон.

Учинчи даражали тошларга – нефрит, ёқут, феруза, кордиерит, гагат, малахит, биллур ва бошқалар.

Заргарликда лойли ўчоқ, чарм, ўта чидамли лойлар, пайванд, найча, темир қисқичлар, болғачалар, металл тахта, парюр, зубила, кескич асбоблар, чархтош, қолиплар, қайчилар ишлатилади.

Пунсон – заргарликда ишлатиладиган металга нақш ишланади.

Киря-темир ёки пўлатдан ясалади.

Заргарлик буюмларини ишлаш жуда нозик иш. Кумуш, тилла, мис, қалай, жез асосий хомашё.

Назорат учун саволлар.

1. Заргарлик санъатининг ривожланиш тарихини айтинг?
2. Заргарлик санъатининг ривожланишида ишлатиладиган асбоб ва материаллар?
3. Заргарликдаги усталар кимлар?

Таянч иборалар

1. Заргарлик санъати.
2. Заргарлик буюми.
3. Заргарликда ишлатиладиган асбоб ва материаллар.

9-маъруза

Мавзу: Зардўзлик санъати.

Режа:

1. Зардўзлик ривожланиши тарихи.
2. Зардўзлик ривожланишига ҳиссасини қўшган намоёндалар.
3. Зардўзлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

Зардўзлик – ҳунармандчиликнинг қадимий турларидан бири зар ип билан нақш (кашта) тикиш касби. У форсча зар (тилла), дўзи (тикмоқ) сўзини англатади.

Зардўзлик санъати узоқ тарихга эга. Зардўзликнинг ватани Вавилён бўлиб, у Рим империясига қарашли бўлган, зар, ипак ва жун қўшилиб тикилган ранг-баранг каштачилиги билан бутун дунёга машҳур бўлган. Византияда зардўзлик кийим-кечакларни фақат император аъёнари, аслзодалар кийишган. Византия билан мунтазам маданият ҳамда сиёсий ҳамкорлик қилиш туфайли зардўзлик санъати Эрон подшолиги саройида ҳам ривож топган. Эронда зардўзлик санъати ривожланганлигига XV-XVII асрда ишланган зардўзлик намуналари мисол бўла олади. Византиядан қадимги Русга ҳам зардўзлик санъати кириб келди. Кичик Осиё доирасида зардўзлик XIII ва XV асрларда ҳам ривожланди. Ҳуллас Византия қаерга таъсирини ўтказган бўлса ўша ерда зардўзлик ривожланган.

Ўрта Осиёда зардўзлик жуда қадимдан ривожланиб келаётган халқ амалий санъати турларидан биридир. Архилогик топилмалар ва тарихий манбалардан маълумки, Ўрта Осиё халқлари орасида қадимдан I-II асрларда зарбоп кийимлар, бадий буюмлар кенг тарқалган.

XVII асрда яшаган Самарқандлик шоир Фитратнинг асосий касби зардўзлик бўлган, у матоларга зардан ажойиб кашталар тиккан.

Расмий равишда сайланмай, бобо диний-ахлокий масалаларни ҳамда усталарнинг хатти-харакатларини кузатиб борар эди. Агарда бобо бўлмаган ҳолда оксокол унинг ўрнини босиб тураар эди. Оксокол Амир саройи билан амирлик маъмурияти ўртасидаги ташкилотнинг вакили ҳисобланган. У буюртмалар олишда ва тақсимлашда, уста, халфа, шогирд ўртасидаги низоларни ҳал қилишда хизмат қилган.

Феодализм даврида ҳамма хунарлар каби зардўзлик муқаддас ҳисобланган. Чунки ҳар хунарга, касбга бўлган ҳурмат шунчалик бўлганки усталар ҳар бир қилган ишларини дил виждони билан бажарган. Усталарнинг айтишича энг биринчи уста зардўз, энг биринчи устоз ғойибона ҳолий ҳамда пир хазрати Юсуф бўлган дейишади. Шу ҳақда кичкина рисолача бўлиб, унда зардўзлик касбининг пайдо бўлиши, уни ўрганиш қонун-қоидалари, ишдан олдин ўқиладиган дуолар зардўзлик касбининг ҳолийси “Арвоҳи пир” га сиғиниш узоқ вақтгача давом этган. “Гули сурх” айёмида, яъни илк баҳор кунларида зардўзлар Бухоро яқинидаги Баҳовиддин кишлоғига келиб қўй сўйиб ҳудойилар қилишган. Ҳирот хонлик дастурхон устида бўлиб, рисолачи зардўзликнинг келиб чиқиши, қонун-қоидалари ва ўқиладиган дуоларни тушунтириб беришган. Рисолачига кироатдан сўнг кишилар назр-ниёз берганлар. Бу эса уларнинг зардўзлик касбига бўлган ҳурматини янада оширган. Бухорода сарой зардўзлик устахоналари бўлиб, улар арқда, подшоҳлик биноларида, олий давлат амалдорларининг ҳовлиларида жойлашган бўлиб, амир хазинаси томонидан таъминлаб турилган.

Подшоҳнинг зардўзлик устахонасидан ташқари яна хусусий устахоналари ҳам бўлиб, уларнинг сони 25 тача бўлган.

1920 йил собиқ совет тузумининг дастлабки йилларида юз берган қийинчиликлар Эрон, Арабистон, ҳамда Россиядан келтирилган зар симларнинг тўхтаб қолиши зардўзлик санъати ривожига путур етказди. Бу пайтда зардўзлик буюмларининг ҳиллари ҳам ўзгарди. Кейинчалик эса дабдабали кимхоб тўнлар ўрнига дўппи, аёллар нимчалари, сумка, туфли, альбом, муқовалари, чойшаблар, кўзойнак ғилофлари, шунингдек, диван ёстиқларининг ғилофи ва бошқалар

тикила бошланди. Зардўзлик санъати билан амирлик замонида фақат эркаклар шуғулланган. Чунки аёл қўли тегса, зар хира тортади деб уларни бу ишга жалб қилинмас экан. 1930 йилда Ўзбекистонда рассомлар уюшмаси, унинг қошида зардўзлик артели ташкил этилиб унга тажрибали зардўзлар таклиф этилди. Кейинчалик артель кенгайтирилиб фабрикага айлантирилди. Ишчилар ва усталар сони кундан кунга ортиб борди. Ўша даврда таниқли рассом Олимжон Мажидов, талантли зардўз Файзулло /айбуллаев, Умар Ҳаётов ва бошқа усталар кўплаб шогирдлар қабул қилинган эди. Улар янги услубда тикиш, миллий кийимлар, уй-рўзгор буюмлари, совғалар ва махсус буюртмаларни бажаришарди.

Зардўзлик санъатининг йирик намоёндаларидан бири, Бухоролик зардўз уста Нўмон Алимовдир. У Бухоро шаҳрида 1908 йилда зардўзлар оиласида дунёга келди. Отаси Олимжон Мажидов Бухоро амирлиги устахонасида 12 йил ишлаган эди. У Нўмонжонга ёшлик чоғиданоқ зардўзлик сирларини ўргата бошлади. Н.Аминовнинг кўпгина асарлари ҳар қил музейларда доимий экспозицияга айланиб қолди. Н.Аминов ижодидаги ютуғи қотиб қолмай зар тикиш ҳилларининг турли қирраларини излаб шу соҳада янгиликлар яратди.

Назорат учун саволлар.

1. Зардўзлик санъатининг ривожланиш тарихини айтинг?
2. Зардўзликда ишлатиладиган асбоб ва материаллар?
3. Зардўз усталардан кимларни биласиз?

Таянч ибора

1. Зардўзлик тарихи.
2. Зардўзликда ишлатиладиган асбоб ва мослама.
3. Зардўзлик буюмлари.

10-март

Мавзу: Гилам тўқиш ва кигиз босиш санъати.

Режа:

1. Гилам тўқиш санъатининг ривожланиши.
2. Кигиз босиш.

Халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган тури бўлиб, кўп асирлик миллий анъана ва узоқ тарихга эга. Гилам тўқиш бадиий ҳунарга киради. У қадимдан аёллар орасида кенг тарқалган ҳунар сифатида машҳурдир. Гилам тўқиш санъати айниқса чорвачилик билан шуғулланадиган кўчманчи халқлар орасида тарқалган. Гилам қадим замонлардан бери хона ичини безатиш, иссиқ сақлаш, товушни камайтириш учун хизмат қилади. гилам асосан полга ёки бўйра устига тўшалади, хонани безатиш учун деворга осилади ва ўтов ичига ўралади. Бу санъат жуда қадим замонлардан бери ривожланганлигини ёзма тарихий манбалар ва археологик топилмалар исботлаб беради. Археологик топилмалар натижасида Хоразмда милоддан аввалги 1-минг йилликка мансуб гиламлар топилганлиги

тасдиқланди. Қадимда Уссури, Бобил, Мидияда кейинроқ эса Эрон, Хиндистон, Туркияда тўқилган рангли гиламлар машхур бўлган.

VII-аср кўлёмалари гилам тўқиш санъати ўша вақтларда Ўрта Осиёда ҳам ривожланганлиги тасдиқланди. V-VII асрларда Ўрта осиедаги кўпгина шаҳарлардан Хитойга ҳар ҳил гиламлар олиб келинган. Масалан, қариш ва нашибодан тўқилган гиламлар Хитойга олиб бориб сотилган. Ўрта Осиё ва Афғонистон адабиётларида кўрсатилишича VII-XI асрларда Хоразм ҳамда Самарқанд билан Бухоро ўртасидаги баъзи шаҳарлардан кичик-кичик жойнамоз гиламлар тўқиб чет мамлакатларга сотилган.

XI-XII асрларда Ўрта Осиёда шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида гилам тўқиш санъати жуда ривожланган. XIV-асрда эса Ўзбекистон ҳудудида гилам тўқиш санъати ривожланмай қолди, чунки Мўғул босқинчилари Ўрта Осиёни эгаллаб олган эди.

XIV асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг Амир Темур қўлига ўтиши билан бу соҳа яна ривожланиб кетди. Ҳар ҳил хорижий мамлакатлардан олиб келинган усталар гилам тўқиш устахоналарида ишлаганлар.

XVIII-XIX аср бошларида айниқса Бухоро ва Фарғона хонликларида гилам тўқиш санъати тез суръатлар билан ривожланган.

XX аср бошларида Қўқон, Самарқанд, Андижон, Бухоро Ўрта Осиёнинг гилам тўқиб сотиш маркази ҳисобланган. Гилам тўқийдиган машиналар ихтиро этила бошланди. Хива, Андижон, Қарши, Ургут шаҳарларида гилам тўқийдиган корхоналар очилди. Андижонда «Мехчамгули» артели қошида гилам тўқиш курси очилди. Артелга Фарғона водийсидаги Ойим қишлоғидан катта уста Мехринисо Тешабоева таклиф этилди. Жумхуриятда гиламдўзликни ривожлантириш учун Туркманистондан машхур усталар таклиф этилди ва кўплаб гиламдўз усталар тайёрлаб берилди.

Ўзбекистонда гилам тўқиш мактаби асосан икки – Самарқанд ва Андижон гиламлари ўзининг чидамлилиги, пишиқлиги, аниқ қизил-кўк, колориди билан фарқ қилади. Фарғона Қорақалпоқ гиламлари асосан икки ҳил, яъни қизил ва тўқ кўк гаммада тўқилади. ўзбек гиламларининг четига рута, ўртасига турунж ёки доира нақш ишланади. Самарқанд гиламдўзлик мактабига Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги гилам тўқувчилар киради. Бухоро гиламлари ўзининг ранг-баранглини катталиги, узун патлиги ва чиройли нақшлари билан ажралиб туради. Самарқанд гиламлари қисқа патли, марказида турунж четига алоҳида-алоҳида нақшлар ишланади. қалқон деб номланган турунж нақши жуда кўп ишланади. Гиламлар хошиядор эстетик жихатдан чиройли ишланган бўлади.

Кўпгина мамлакатларда қадимдан тўқиб келинаётган гиламлар яхши ривожланган. Масалан, Франция, Эрон, Хитой, Хиндистон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда. Энг яхши гиламлар Доғистон, Туркманистон, Грузия, Озарбайжонда ва Арманистонда тўқилади. гиламнинг тўқима, тикма, ва босма ҳиллари бор.

Тўқима гиламда – гиламнинг гули тўқилади. ўзбекистонда патли ва патсиз (полос) гиламлар тўқилади.

Тикма гилам – тайёр буюмга гули тикиладиган гилам.

Босма гилам – гули бўяб босиладиган гилам.

Ҳива, Андижон, Ургут, Қарши ва бошқа жойларда тўқима гиламлар тайёрланади.

Хулоса қилиб айтганда ўзбек гиламдўзлиги ўзининг миллий анъаналарини сақлаган ҳолда янги тажрибалар билан бойитилди. Ҳива, Андижон, Самарқанд, Қаршининг патли, Шаҳрисабзнинг тақир гиламларига эҳтиёж катта.

Кигиз босиш санъати қадим замонлардан бери ривожланиб келаётган халқ амалий санъати турларидан бири. Ўзбекистон ҳудудининг қайси жойида халқлар чорвачилик билан шуғулланган бўлса, шу ерда кигиз босиш касби кенг тарқалган. Бу санъат тури Ўрта Осиё ва Қозоғистонда қадимдан ривожланиб келган. Ота-боболаримиз кигизни ерга бўйра устидан солишган. Ўтовларни ўрашган, қалпоқ, пийма ва бошқаларда ишлатилган айрим ҳолларда гулдор, чиройли кигизлар бадий буюм сифатида ишлатилган. Кигиз оқ, қизил, қора, гулдор ва гулсиз бўлади. Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларида қорақўй ва чайдим кигизлар, Хоразмда эса макянамат хиллари бор. Ўзбекистонда кигиз босишнинг ўзига хос номлари бўлиб кигиз босиш куйидаги технологияда бажарилади. Кигиз кўйнинг кузги жунидан ёки эчкининг жунидан тайёрланади. Жун титиб тозаланади, ювиб қурилади. Шундан сўнг махсус савағичлар ёрдамида яхшилаб саваланади, яъни титилади. Бу жараёндан сўнг жун ранги ва сифатига кўра юзлик, ораликқа, танлаб ажратилади, юзига махсус ранг билан бўялган майин жунлардан нақшлар ишланади. Ҳозир кигизлар махсус машиналар ёрдамида тайёрланяпти. Масалан саноат корхоналарида жун махсус машиналар ёрдамида титилади. Унга махсус суюқлик сепилади ва машинада аралаштирилади, аралашма машинадан тараб ўтказилиб, момиғи олинади. Момикни машинада текис килиб тўшаб зичланади. Шундан сўнг махсус сульфат кислота эритмаси шимдирилади. Керакли ўлчамда керакли зичликда машинада ишланади. Уни чўзиб, четлари тўғрилаб турилади. Кейин эса буғли қуритгичларда қурилади. Охирида эса пардозланиб, ортикча қиллар қирқиб ташланади, прессланади ва силкитилади. Баъзан баъзан жундан ташқари минерал ва кимёвий тоалардан ҳам кигизлар тайёрланмоқда. Кигиз техникада ва қурилишда кенг фойдаланилмоқда. Мусиқа асбоблари, протезларда, самолётларда, амортизатор сифатида автомобилларда ишлатилмоқда. Қурилишда эса товуш ва совуқни ўтказмайдиган материал сифатида ҳам кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги вақтда полос гилам, гилам поёндозлар кўплаб ишлаб чиқарилиши туфайли қўлда кигиз тайёрлаш технологияси унутилиб кетиш арафасида.

Назорат учун саволлар.

1. Гилам тўқиш тарихини айтиб беринг?
2. Кигиз босиш тарихини айтиб беринг?
3. Гилам тўқишда, кигиз босишда ишлатиладиган материаллар нима?

Таянч ибора

1. Гилам турлари ва ривожланиши.
2. Кигиз.
3. Гилам ва кигиз босишда ишлатиладиган материаллар.

11-маъруза

Мавзу: Саватчилик ва бўйрачилик санъати.

Режа:

1. Саватчилик ривожланиши.
2. Бўйрачилик ривожланиши.

Ўзбек алқи қадимдан ўзининг нафосатга бой, асрлар давомида шаклланган ва сайқал топган халқ амалий санъати билан бутун дунёга машхурдир. Шу санъатнинг ноёб турларидан бири **САВАТ** тўқиш санъатидир. Сават тўқиш ўзбек халқининг азалий хунари бўлиб, отақбоболаримиз қадимдан томорқа ва ҳовли атрофларини шох-шаббалардан қилинган махсус тўсиқ тўрлар билан ўраб келганлар. Ҳар хил новдалардан турли-туман саватлар тўқишган. Уларнинг ҳар бири шакли ва ишлатиш жойига қараб турли номлар билан юритилади. Масалан, кажава сават, нон сават, элама сават, қошиқдон сават, гулдор сават, дастурхон сават, тўр сава, узум сават, босма сават ва бошқалар. қадимдан сават тўқувчиларнинг махсус дўкони бўлиб, у ерда турли-туман саватлар сотилган.

Қадимдан сават тўқишда тут, терак, тол, турангил, юлғич новдалари буғдойпоя, қамиш ва бошқа материалларни ишлатиб келганлар. Айниқса қоратолнинг новдасидан тўқилган саватлар жуда чидамли ҳисобланган. Саватлар терак, мажнунтол, турангил, лигуструм ва толнинг бир ёшли текис новдаларидан тўқилган.

Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида бармоқ билан санокли усталар бор. Улар халқимизнинг қадимий анъаналарини давом эттирмоқдалар. Шундай усталардан бири кўқонлик Ашурбиби Ботировадир Ашурбиби Ботинова Фарғонадаги бошқа сават тўқувчи усталардан фарқ қилади. У нон сават, дастурхон сават сингари каттароқ, рўзғорбоп буюмларни йирик новдалардан сийракроқ қилиб тўқиб, баъзи жойларда ўрама усуллардан фойдаланади., майда саватлар, яъни, гул сават, чок сават, савли ва бошқаларни мустахкам, нозик ва майда чавақлардан майда қилиб тўқийди. Ҳозирги кунда Ашурбиби Ботированинг сержило ва сернақш саватлари халққа манзур бўлмоқда.

Бўйрачилик – бўйра тўқиш касби, тожикча бўйробофи Ўрта Осиёда қадимдан ривожланиб келаётган халқ амалий санъати тури. Бўйра бу яхши пишиган қамишни пачоқлаб, пўстини тозалаб тўқилган буюм. Уни гилам, наMAT (кигиз), полос тагидан солишган. Бўйра тўқийдиган мутахассислари бўйрачилар деб аталган. Бўйра гилам, наMAT (кигиз), полосларни тупроқ ва захдан сақлаган, ундан тўй маросимларида, меваларни қишда сақлашда, қуриштида фойдаланилган. У қоп ўрнида ҳам ишлатилган, деразаларни қоронғилатишда парда сифатида, мусулмонлар одатига кўра дафн маросимида ҳам бўйрадан фойдаланилган. қадимда қурилишда бўйура жуда кўп ишлатилган. Иморат томини ёпишда (ломбоз босишда) ҳам ишлатилган. Бухорода X асрда қамишдан жуда кенг фойдаланилган. Қадимда бўйрачи маҳаллалар (тожикча бўйрабофон деб юритилган) бўлган. Бундай маҳаллалардаги ҳар бир оила бўйра тўқиш билан

шуғулланган. Ва бўйраларни бозорларда махсус расталарда сотилган. Бўйраларни турли хил номлар билан юритилади. Қурилишда уй томини ёпишда «бордон» ишлатилади.

Ўзбек халқи ўзининг қадимий ва бой маданияти билан жаҳонга машхурдир. Ўзбекистоннинг қадимий ёдгорликлари ва тупроқ ости қисми улкан тарихий музейдир. Самарқанд, Бухоро, Ҳива, Тошкент, Термиз ва бошқа шаҳарлардаги ҳар бир архитектура ёдгорлиги бир буюк асар, нодир қўлёзмалар, халқ амалий санъати намуналари бир вақтлар ўзбек халқининг маданияти нақадар юксак бўлганлигидан далолат беради. Чунончи ота-боболаримиз қурган бинолар, меъморчилик безакларини уларнинг ранг-баранглиги, геометрик ва ўсимликсимон нақшлар уларнинг композицион тасвири завқ олишга, тарбияланишга, улар орқали ўз орзу умидларини, муҳаббатларини халққа изхор этишга чорлайди. Асрлар давомида орттирилган маданий бойлигимиз, халқ амалий санъатининг айрим турлари, уларнинг ўзига хос томонлар, ҳақиқий ўзбекча номлари, ишлаш технологиялари ва уларни яратган усталарнинг номлари аста-секин унутилиб кетиш арафасида. Шунинг учун халқимизнинг асрлар бўйи қилган ижодий меҳнати натижасида яратилган тарихий ёдгорликлар ва бошқа амалий санъат кўз қорачиғидек сақлаш, қадрлаш ва улардан фойдаланиш ҳозирги давримизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Гобелен санъати.

Ўзбекистон амалий-безак санъати турлари орасида гобелен ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистонда унинг гуллаган даври 1970 йиллар ҳисобланиб, бунда фарғона вилояти гобеленчилари етакчилик қилишди. 1990 йиллар гобелен учун жиддий синовлар йили бўлди. Охириги кўрғазмалар шундан далолат берадики, гобелен эндиликда замонавий санъат майдонида ўз ўрнини топди.

1990 йиллар иккинчи ярмида ўзбекистонда бир қатор ёш гобеленчилар гуруҳи шакллана бошлади. Улар санъатнинг бу қизиқарли турида янги-янги изланишлар олиб бордилар. Уларнинг кўпчилиги гобелен санъатини дастлаб мустақил равишда ўрганишган бўлишларига қарамасдан, гобелен яратишнинг ўзига хос йўлини, унинг технологияси ва тўқиш услубларини яратишга интилдилар. Улар гобелен учун қўлланиладиган ҳом ашёга алоҳида эътибор билан қараб, безакдор шаклларга нозик дид билан ёндошдилар. Кейинги йилларда санъатнинг бу турида яратилган ишлар натижалари, бу санъат инқирози эндиликда ортда қолганидан далолат бермоқда.

Милена Тюринга кейинги 10 йилда гобелен санъати билан фаол шуғулланмоқда. 1990 йилдан эътиборан Тюринга асарлари республика ва халқаро (Москва, Украина) кўрғазмаларда намойиш этилиб келинмоқда. 1990 йил бошида Тошкентда муаллифнинг бир қанча шахсий кўрғазмалари ташкил этилди.

М.Тюринга ишлари, аввало, мавзусининг турли-туманлиги, бажариш техникасининг сифатлилиги билан ажралиб туради.

Назорат учун саволлар.

1. Саватчилик санъатининг ривожланиш тарихини айтинг?
2. Бўйра тўқиш санъатининг ривожланиш тарихини айтинг?

3. Саватчиликда ишлатиладиган асбоб ва мосламаларни айтиш?

Таянч ибора

1. Саватчилик тарихи.
2. Сават тўқиш технологияси.
3. Саватчиликда ва бўйрачиликда ишлатиладиган материаллар.

12-маъруза.

Мавзу: Маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси.

Режа:

1. Мустақиллик йилларида халқ амалий санъатининг тараққиёти.
2. Маҳсулот ишлаб чиқариш тараққиёти.
3. Ёшларни ҳунарга ўргатиш.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги миллий маданиятимиз, айниқса халқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги тараққиётига кенг йўл очиб берди.

Қадимдан ривож топиб келаётган наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, бадий кулолчилик, мисгарлик, каштачилик турлари гуркираб ўса бошлади.

Унинг миллий бадий анъаналари янада ривожланмоқда. Санъатни унутиб кетган айрим турлари ҳисобланган матога гул босиш, суяк ва тош ўймакорлиги, заргарлик, пичокчилик, гиламчилик турлари қайта тикланди. Амалий санъат ва халқ-ҳунармандчилигининг янги турлари чинни хайкалтарошлиги, чармда минатюра ишлаш, қовоқ шаклига нақшлар билан ишлов бериш каби турлари пайдо бўлди.

Ўзбек каштачилик санъатининг асосини ташкил этадиган сўзана, жойнамоз, дўппи, нимча, зарчопон қабилар тикиш таназзулга юз тутган бўлса, ҳозирда бу соҳада кескин бурилиш рўй берди.

Каштачилик соҳасида бир қатор вилоятларда хусусий устахоналар очилган бўлиб, уларда кўплаб ёшлар санъат сирларини ўрганмоқдалар ва юксак бадий савилли асарлар яратмоқдалар.

Заргарлик санъати ҳам йўқолиб бораётган санъат турларидан эди. Уни тиклаш ва ривожлантиришда усуллар жонбозлик кўрсатмадилар.

Ўзбек халқ амалий санъатида янгидан пайдо бўлган йўналишлар ҳисобланган гўзал хайкаллар ишлаш, қовоқдан ишланган идишларни нақшлаш, чарм материалларига минатура ишлаш газмолга гул босиш, тош ўймакорлиги каби санъат турлари бўйича олиб борилаётган ишлар диққатига сазовордир.

Хар бир ҳунармандчилик сирларини ўрганишда, ўзига яраша иш кетма-кетликлари бўлади.

Каштачиликда маҳсулот ишлаб чиқаришда аввало буюмга мос материал танлашади, нақш чизилади, буюм рангига мос рангли ип танланади. Уни тикишда

чок турларига ва текис, нафис чиқишига ҳаракат қилинади. Бунга мос нақш танланмаса буюм ўз вазифасига мос чиқмайди.

Задўзликда зар тикиш учун 3 хил ҳунарни билиш зарур.

1. Расм солиш.

2. Гул кесиш.

3. Кесилган гулга зар инни тикиш.

Зардўз қуйидаги тартибда ишлайди.

Уста ерда, кўрпача устига ўтириб коргўлда тикади. Каргўл оддий ёғоч рамка. Бу рамкага мато тортилиб чиқади, мато устига бахмалда бичилган буюм ўрнатиб чиқилади. буюм устига тайёрланган яъни картондан қирқилган нақш ўрнатилиб зар 2 қўл билан тикилади. Зар икки қўл билан тикилади.

Нақш чизиш учун аввало нақш жихозлари алоҳида-алоҳида чизиб, сўнгра нақш композицияси тайёрланади, маҳсулотга мос нақшлар чизилади.

Ёғоч ўймакорлигида буюм тайёрлаш учун баргли ва нинали баргли дарахтлар бўлади. Уларни буюмларга мос қирқиб олиб нақшлар чизилиб циркуллар орқали ўйиб олинади. Нақшларни чизишда турли ўлчовчи асбоблардан фойдаланилади.

Сават тайёрлашда навда танланади. Танланган навдалар тут, тол, анор шохлари бўлса тўқилган сават чиройли чиқади.

Касб ҳунар эгаллашда эса устозлари уларга тайёрланган маҳсулотни товар холига келтиришга этган хом ашёдан тортиб, меҳнат ҳақи, савдо қоидалари, савдогарчилик маҳоратига ўргатилган.

Назорат учун саволлар.

1. Наққошликда маҳсулот ишлаб чиқаришда нималарга эътибор берилади?
2. Кашта тикишда техника-хавфсизлиги?
3. Зар буюмларини тикишда нечта ҳунарни билиш зарур?

Таянч ибора

1. Ҳунармандчиликни ривожланиши.
2. Ҳунармандчилик турларида техника хавфсизлиги.
3. «Уста-шогирд» йўналиши.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. С.Булатов. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Тошкент-1991 йил.
2. М. Прица «Тошкент ганчкорлиги»
Бадиий адабиётлар нашриёти. 1960 йил.
3. С.Булатов. Ўзбекистон санъати тарихи. Тошкент 1991 йил.
4. Т.Абдуллаев XIX-XX асрларда Ўзбекистон кандакорлик санъати. Тошкент 1994 йил.
5. Р.Хасанов. Амалий безак санъати методикаси. Тошкент 2003 йил.

Мундарижа:

Мавзулар	Бетлар
1 Кириш. Халқ ҳунармандчилиги турлари ва тарихи.	3
2 Наққошлик санъати тарихи.	6
3 Ганч ўймакорлик санъатининг ривожланиши.	12
4 Каштачилик санъати тарихи.	17
5 Ёғоч ўймакорлик санъати.	19
6 Кулолчилик санъати тарихи.	25
7 Пичоқчилик санъати.	26

8	Заргарлик санъати.	29
9	Зардўзлик санъати.	31
10	Гидам тўқиш ва кигиз босиш санъати.	33
11	Саватчилик ва бўйрачилик санъати.	35
12	Маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси.	37
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	39

Наманган-2004 йил.